

АДИБ АҲМАД
ЮГНАКИЙ

ҲИБАТУ-Л-ҲАҚОЙИҚ

Қосимжон Содиқов
транскрипцияси,
талқини ва таҳлилида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА
ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК ИНСТИТУТИ

АДИБ АҲМАД ЮГНАКИЙ

ҲИБАТУ-Л-ҲАҚОЙИҚ

*Қосимжон Содиқов транскрипцияси,
талқини ва таҳлилида*

Nizomiy nomli
T D P U
kutubxonasi

Тошкент
«Akademnashr»
2019

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 83.3(5Ў)

Ю-15

Ю-15 Югнакий, Адиб Аҳмад.

Ҳибат-ул-ҳақойиқ [Матн]: асар / Адиб Аҳмад Югнакий. – Тошкент: Akademnashr, 2019. – 168 б.

ISBN 978-9943-5652-0-3

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 83.3(5Ў)

*Ушбу китоб қорахонийлар даври туркий адабиётининг таниқли намоянда-
си, улуғ машойиҳ Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарига бағиш-
ланган бўлиб, унда ёзма ёдгорликнинг текстологик, тил ва бадиий-услубий жи-
ҳатлари тўғрисида сўз боради. Шунингдек, асарнинг илмий йиғма-чоғиштирма
матни, ҳозирги ўзбекча ўгирмаси ҳам келтириляётир.*

*Китоб манбашунослар, шарқшунос-туркологлар ва айни соҳани ўрганаёт-
ган толиби илмларга мўлжалланган.*

Та қ р и з ч и л а р:

Рихситилла Алимухамедов, филология фанлари доктори

Камол Шониёзов, тарих фанлари номзоди

Тошкент давлат шарқшунослик институти Кенгаши нашрга тавсия этган.

ISBN 978-9943-5652-0-3

© Қосимжон Содиқов

© Akademnashr, 2019

СЎЗБОШИ

Адиб Аҳмад (Маҳмуд Югнакий ўғли Адиб Аҳмад) қадимги туркий адабиётнинг йирик намояндаси, файласуф, турк-ислом дунёсининг улуғ машойихларидан бири эди. У туркий адабиёт тарихида ажойиб мавоиз-масаллари, ўғитлари билан чуқур из қолдирган. Улуғ мутафаккир Мир Алишер Навоий ўзининг «Насойиму-л-муҳаббат» тазкирасида ҳамда «Муншаот»да бу «бағоят зийраку закий ва зоҳиду тақводор» машойих ва беназир шоирни ҳурмат-эҳтиром ила тилга олган.

Кунимизгача Адиб Аҳмаднинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» («Ҳақиқатлар тортиғи») номли асаригина тўлиқ ҳолда етиб келган. Шундай эса-да, шоир биргина асарининг ўзи биланоқ туркий адабиёт тарихида, тасаввуф адабиётида ўчмас из қолдириб, буюк ижодкорлар қаторидан турғун жой эгаллади.

Адиб Аҳмад туркий адабиёт тарихида ўтган тенги йўқ сўз усталаридан эди. Шоир киши учун керакли саналган барча эзгу хислатлар – билим ўрганишнинг фойдаси ва билимсизликнинг зиёни, тилни тийиш одоби, дунё ва унинг ўзгарувчанлиги ҳамда вафосизлиги, саҳийликнинг фойдаси ва хасисликнинг зарари, камтарликнинг камоли, яхши ахлоқ тўғрисидаги қарашларини гўзал бадиий-тасвирий воситаларда баён қилади.

Адиб Аҳмад туркий адабиёт тарихида Қуръони карим оятлари ва табаррук ҳадисларни биринчилардан бўлиб шеърятга олиб кирган, уларнинг мағзини шеърӣ усулда ёритиб берган ижодкор ҳамдир. Адиб бошлаб берган ушбу анъана Ўрта Осиё халқлари адабиётида арбаъинчилик анъанасида авжига чиқди.

Қорахонийлар даври ёзма адабиёти, туркий дидактик шеърят такомилида ҳам Адиб Аҳмаднинг улуши катта. Қорахонийлар даврида юзага келган ёзма адабиёт ва адабий тил анъаналари туркий адабиёт ва адабий тилининг кейинги такомил йўлини белгилаб берди. Айниқса, XV–XVI асрларда яшаб ижод этган мумтоз ўзбек адабиёти намояндалари, хусусан, Мавлоно Лутфӣй, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига қорахонийлар даври адабиёти ва адабий тили кучли таъсир кўрсатган.

«Қутадғу билиг» асарининг 1439 йили Ҳиротда Ҳасан Қора Сайил Шамс баҳши тарафидан уйғур ёзувида кўчирилган қўлёзмаси, «Ҳиба-

ту-л-хақойиқ»нинг эса 1444 йили Самарқандда Зайну-л-Обидин бахши тарафидан уйғур хати билан кўчирилган таянч қўлёзмаси бунга ёрқин мисол бўла олади. Мазкур қўлёзмаларнинг салтанатнинг йирик маданий марказларидан бўлмиш Ҳирот, Самарқанд шаҳарларида айнан эски туркий-уйғур хати билан кўчирилгани темурийлар даври адабиётида қорахонийлар даври адабиёти, ёзув ва тил анъаналарига ҳурмат-эътибор катта бўлганидан дарак беради. Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг», Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-хақойиқ» асарлари ўша кезлар ўзбек классик ижодкорлари орасида маълум ва машҳур эди.

Маълумки, XV асрда ўзбек ёзув маданияти эски уйғур хатидан араб ёзувига ўтиш босқичида эди. Бу даврда уларнинг иккови ёнма-ён ишлатилган. Аср бошларида Мовароуннаҳр ҳамда Хуросонда, жумладан, Шохрух мирзо, Улуғбек мирзо юртга эгалик қилган чоғларда уйғур хатининг мавқеи юқори эди. Ҳатто бу даврларда яшаб ўтган Лутфий, Саккокий сингари классик адибларнинг хат-саводи уйғур ёзувида чиққан, улар ўз асарларини ана шу ёзувда битганлар. Ўша чоғларда уйғур хати расмий доираларда, давлат ишларида, фан ва адабиёт соҳасида кенг қўлланиларди.

Юзйилликнинг иккинчи ярмида уйғур хатининг қўлланилиш доираси торая бошлади; чамаси, у айрим бадий ва тарихий асарлардагина қолган. Фан, адабиёт ва таълим соҳасида, шунингдек, давлат идораларида араб хатининг мавқеи ортиб, эски туркий ёзувни амалиётдан сиқиб чиқара бошлаган даврлар эди. Шунинг учун бўлса керак, Навоий ҳам кўпроқ араб хатига майл қўйган. Бу Навоий уйғур хатини билмаган дегани эмас. У уйғур хатини жуда яхши билган; туркий тилда битилган оталар меросини, тарих китобларини, ўтмишда яшаб ўтган классиклар ижодини уларнинг уйғур ёзувли илкин қўлёзмаларидан ўқиб ўрганган. Қолаверса, унинг отаси Ғиёсиддин уйғур хатида битувчи бахшилардан эди. Уни *Ғиёсиддин кичкина бахши баҳодир* деганлар. Отига қўшилаётган *бахши* атамаси унинг эски туркий ёзувда битувчи котиблардан эканига ишорадир. Шунга қўра, Навоий уйғур хатини яхши билгани аниқ. Бироқ кейинчалик ёшлар орасида уйғур хатининг унутила бораётгани, унинг ҳар кимсага ҳам тушунарли эмаслиги, ёзувнинг мураккаблигини кўзда тутган ҳолда настаълиқни маъқул топган.

Адиб Аҳмад Югнакий ҳар жиҳатдан тугал ва бетакрор ижод кишиси эди. У қорахонийлар даври адабиётидагина эмас, бутун туркий адабиёт тарихида ўз ўрнига эга бўлган шоирдир.

Илгингизда варақлаб ўқиб турганингиз китобда адибнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари таҳлилга тортилаётир. Унда ёдгорлик ва унинг қўлёзма нусхалари, боблар мундарижаси, асарнинг тил хусусиятлари ҳақида сўз юритилади; бош эътибор матн таҳлили ва унинг талқинига қаратилади. Муҳими, ишда асарнинг илмий йиғма-чоғиштира матни, унинг ҳозирги ўзбек тилига ўгирмаси берилган.

Китоб мутахассислар ва ўқувчиларга фойдали бўлади дея умид қиламан.

Шу ўринда китоб устида ишлаш чоғида «Ҳибату-л-ҳақойиқ»да келган оят ва ҳадислар, арабча байтларни ўзбек тилига ўгиришда кўмаклашган Ўзбекистон халқаро Ислом академиясининг таянч докторантлари **Алишер Ҳазратқулов** ва **Акмалхон Акмалхоновга**, шунингдек, китобни чоп этишда яқиндан ёрдам берган «Akademnashr» директори, ажойиб инсон **Санжар Назарга** ўз миннатдорчилигимни билдираман.

«ҲИБАТУ-Л-ҲАҚОЙИҚ»НИНГ ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК ТИЛИГА ЎГИРМАСИ

«АТАБАТУ-Л-ҲАҚОЙИҚ» КИТОБИ

بسم الله الرحمن الرحيم

[(Сўзимни) Меҳрибон ва Раҳмли Аллоҳнинг
номи билан (бошлайман)]

[Биринчи боб]

- (1) Илоҳим, Сенга кўпдан-кўп ҳамд ўқийман,
Сенинг раҳматингдан хайр тилайман.
- (2) Тилим санони лойиқ бир шаклда айта оладими?
Уддалаганимча айтай, кўмак бер менга.
- (3) Жонли, жонсиз, учган, югурган нарсалар
Сенинг борлигингга гувоҳлик беради.
- (4) Сенинг Бирлигингга далил қидирган
Бир нарсанинг ўзидан мингларча далиллар топади.

**«Ҳар бир яратган нарсасида Унинг Бирлигига
далолат этувчи белги бор».**

- (5) Йўқ эдим, яраттинг, яна йўқ қилиб,
Такрор бор қилурсан, бунга иқрорман.
- (6) Эй шубҳа йўлида елувчи тубан (киши),
Кел, ўлмай туриб ўзингни ўтдан қутқар.
- (7) Ул Қодир (Тангри) сенинг тун ва кундузингни яратди,
(Улар) бир-бирига уюшиб, изма-из юради.

- (8) Тунингни тугатиб, кунингни келтиради,
Тунингни кетказиб, қайта тонгни ёритади.

***Аллоҳ таоло буюрганидек, У ўликдан тирик ва
тирикдан ўлик чиқаради.*** [Рум, 19- оят]

- (9) Ўликдан тирик ҳамда тирикдан ўлик
Чиқаради, кўрарсан, буни яхши бил.
- (10) Бундай қудрат эгаси улуғ бир Тангридир,
Ўликларни тирилтирмак унинг учун осондир.

[Иккинчи боб]

Пайғамбар алайҳиссалом мадҳи тўғрисида

- (11) Энди Пайғамбар фазлидан бир қанча сўз тингла,
Эс-хушни етилтириб, сўзимни англаб кўр.
- (12) У халқнинг энг танлангани, кишиларнинг (энг) қутлуғидир,
Билки, яратилган (банда)лар ичида унинг тенг-тўши йўқдир.
- (13) Расуллар ёруғ юзlidir, у эса ўша юзга кўздир
Ёки улар қизил яноқдир, у эса ўша яноқнинг (чиройли) холидир.
- (14) Унинг мақтовини айтиш билан оғзим тотли бўлади,
Унинг мадҳи тилим учун шакар ва болдир.
- (15) Охиратда, мунгли чоғимда қўлимдан тутувчимга
Бугун мендан салот ва салом тегсин.

[Учинчи боб]

***Саҳобаларнинг – уларнинг ҳаммаларидан
Аллоҳ рози бўлсин – мадҳи тўғрисида***

- (16) Яна (Унинг) тўрт эшига салом йўллайман,
Уларни мақташдан ҳеч қачон чарчамайман.

- (17) Атиқ бирла Фаруқ, учинчиси Зиннурин,
Тўртинчиси Алийдир, паҳлавон ва баҳодир.
- (18) Кимки бу тўрт эшга ёмон эътиқодли бўлса,
Унга минг бор лаънат ўқийман.
- (19) Илоҳим, кечирган эгамсан, Сенинг қаршингда
Неча гуноҳкор қул бўлсам ҳам, кечир.
- (20) Агар фазлинг бўлса, ўзим қутулган бўламан,
Агар адолатингни қўлласанг, бу мен учун фалокатдир.

[Тўртинчи боб]

***Турк ва Ажам мулкининг ҳукмдори, улуғ амир, миллатнинг
етакчиси Муҳаммад Дод испоҳсолор бекнинг – уни Аллоҳ
раҳмат қилсин – мадҳи тўғрисида***

- (21) Эй тил, мадҳ айт, ўтингил, қани,
Мен тортиқ қилайин шоҳимга уни.
- (22) Шоҳим мадҳи бирла безайин китоб,
Ўқиган кишининг севинсин жони.
- (23) Унинг яхшилиги, сахийлиги ва тенгсиз эҳсони
Ақлсиз кишига ақл киргизади.
- (24) У ақл, заковат, шуур ва зако маконидир,
Билимнинг ўчоғи ва фазилат конидир.
- (25) У ҳимматни симақдан юксакроқ тутади,
Саховати ва карамлари касалликка дармондир.
- (26) Раиятга шафқатли, тўғри ва юмшоқ тиллидир,
Ва лекин ғазабланганда шер-арслон ташлангандек бўлади.
- (27) Матонатда Умардек орифдир,
Саховат бобида Усмонга тенгдир.

- (28) Тетикликда ўзи Аёсдан ўзар,
Адолат ва инсоф бобида чин Ануширвондир.

**Фитна ва фаросатни ўзида намоён қилган
Бояс ибн Муовия тўғрисида**

- (29) Унинг эҳсони қаршисида булутлар ҳам уялади,
Бу сўзнинг тўғрилигини душманлари ҳам эътироф этади.
- (30) Эй шоҳимнинг фазилатларини санаган (кимса),
Сахродаги қум, майда тошларни санай оладими?
- (31) Сиёсат, риёсат, киёсат, карам,
Зиёдат билан адлни боғла, эшит, уқ буни.
- (32) Яна шараф, мурувват, мардлик, буларни Тангри
Шоҳимга бу жумлани ато қилди.
- (33) Булут ушоқ қатрани ҳадя қилса ҳам, денгиз
Қўп ва оз демай, буни қабул қилади.
- (34) Шоҳим денгиздан минг бора каримракдир,
Бу арзимас ҳадяни қабул қилса, танг қолмай илож йўқ.

[Бешинчи боб]

Китобнинг ёзилиш сабаблари ва зарурати тўғрисида

- (35) Дод испоҳсолор бек учун бу китобни
Чиқардим дунёда оти қолсин деб.
- (36) Китобимни кўрган, эшитган киши
Шоҳимни дуо бирла ёд этсин деб.
- (37) Унинг севгиси билан кўнгиллар тўлиб,
Дунё унинг ёди билан тўлсин деб.
- (38) (Биздан кейин) келадиган кишилар орасида
Унинг хотираси тансиқ ва юксак бўлиб қолсин деб.

- (39) Боқувчи, ўқиғучи фойда олсин дея
Китобни нодир сўзлар билан безадим,
- (40) Мен уни шоҳимга совға қилиб жўнатдим,
Унга тарафдорлигимни тугал билсин деб.

[Олтинчи боб]

**Аввалги навъ. Билимнинг фойдаси ва
билимсизликнинг зиёни тўғрисида**

- (41) Сўзимга асос қилиб билимдан сўз очаман,
Билимлига, эй дўст, ўзингни боғлагин.
- (42) Саодатнинг йўли билим туфайли топилади,
Билим ўрган, саодат йўлини излаб топ.

ўзга

- (43) Билимли киши қийматли динордир,
Жоҳил (ва) билимсиз (киши) арзимас чақадир.
- (44) Билимли билан билимсиз қачон тенг бўлганди?
Билимли аёл – эркак, жоҳил эркак эса хотиндир.

ўзга

- (45) Сўнгатка илик қанчалик керакли бўлгани сингари,
эр кишига ҳам билим шундай,
Эр кишининг кўрки ақлдир, сўнгатнинг эса – илик.
- (46) Билимсиз (киши) иликсиз сўнгатдек гўё,
Иликсиз сўнгатка қўл сунулмайди.

ўзга

- (47) Киши билим ўрганиб, таниқли бўлди,
Билимсизлик тирикликдаги ўчмас кўргуликдир.
- (48) Билимли киши ўлса ҳам, унинг оти ўлмайди,
Билимсиз эсонлигида ҳам оти ўликдир.

Ўзга

- (49) Билимнинг қадрини билган кимсага кўра,
Бир билимли минг билимсизга тенгдир.
- (50) Энди уқиб, синаб боқиб кўргин,
Билимдек фойдали яна нима бор?

Ўзга

- (51) Билими билан олим юқори кўтарилди,
Билимсизлик эса кишини қуйи чўктирди.
- (52) Билим изла, ғофил бўлма, билки, расул ҳақдир:
«Билим Чинда бўлса ҳам, сиз уни изланг», – деди.

Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган: «Илм Чинда бўлса ҳам, излаб ўрганинг».

- (53) Билимли (киши) доим билим излайди,
Билимнинг қадрини ҳам билимли билади.
- (54) Билки, билим қадрини билимнинг ўзи билдиради,
Билимсиз тубан (киши) билимни не қилади?

Ўзга

- (55) Билимсизга тўғри сўз тотсиз эшитилади,
Унга ўгут ва насихат фойдасиз эрур.
- (56) Неча турли кирлар ювса кетади,
Жоҳил (эса) ювиб тоза бўлмайдиган кирдир.

***Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган:
«Жаҳолатни Аллоҳ асло азиз этмайди». Буну
Расулуллоҳ тўғри айтди.***

- (57) Билимли киши, кўргин, ҳар ишнинг пайтини билади,
Ишини билиб қилади, кейин ўкинмайди.
- (58) Ҳамма ишда билимсизнинг қисмати ўкинчдир,
Унга бундан ўзга қисмат йўқдир.

Ўзга

- (59) Билимли (киши) керакли сўзни сўзлайди,
Кераксиз сўзни кўмиб яширади.
(60) Билимсиз нимаики айтса, уқмай айтади,
Унинг ўз тили ўз бошини ейди.

***Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган:
«Ўлим инсон икки елкасининг ўртасида
туради».***

Ўзга

- (61) Яратган Тангри билим билан англанади,
Билимсизликдан хайр топган борми?
(62) Билим билмагандан баъзи бир халқ
Ўз илгини бут қилиб: «Бу – худойим», – деди.

Ўзга

- (63) Билимлининг сўзи панду насихат, адабдир,
Билимлини ажам ҳам, араб ҳам мақтади.
(64) Моли бўлмаган (киши) учун унинг билими туганмас хазинадир,
Насабсизга эса унинг билими туганмас насабдир.

[Еттинчи боб]

Иккинчи навъ. Тилни тийиш ва унинг бошқа одоблари тўғрисида

- (65) Эшитгил, билимли нима деб айтади,
Адабларнинг боши тилни сақламоқдир.
(66) Тилингни қафасда тут, тишинг синмасин,
Агар қафасдан чиқса, тишингни синдиради.

Ўзга

- (67) Ўйлаб сўзлаган кишининг сўзи сўзнинг яхшисидир,
Кўп вайсайдиган тил бало келтирувчи ёвдир.

- (68) Сўзингни бўш қўйма, тилингни маҳкам тут,
Бу тилнинг бўши бир кун келиб бошингга етади.

ўзга

- (69) Тили бўш киши ақлли бўлармиди?
Нутқнинг бўши кўп бошни еди.
(70) Кишини тил билан ўчакиштирма, билгин, ўқ яраси битади,
Бу тил жароҳатласа, тузалмайди.

ўзга

***«Ўқнинг жароҳати тузалади, тилдан келган
жароҳат тузалмайди».***

ўзга

- (71) Сафиҳ кишининг тили ўз бошининг душманидир,
Тили туфайли кўп кишининг қони тўкилди.
(72) Кўп сўзлаганлар орасида пушаймон бўлганлар кўпдир,
Тилини берк тутганлар ичида пушаймон бўлганлар борми?

ўзга

- (73) Кишига неким келса тилидан келади,
Тилидан ким эзгулик, ким эсизлик топади.
(74) Эшит ва бу сўзга инон: Ҳар тонгда инсон танаси
Туриб тилга юкуниб, тазарру қилади.

***Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган: «Одам
ўғли тонгда уйғонган замон унинг тана аъзолари
тилига сажда ўқийди».***

ўзга

- (75) Агар бир кишида (қуйидаги) икки нарса бирикса,
Ул кишига мурувват йўли беркилади.
(76) Биринчиси кераксиз сўзларни айтиб вайсайдиган бўлса.
Иккинчиси у кишининг тили ёлғондан иборат бўлса.

ўзга

- (77) Тили ёлғон сўзлайдиган кишидан узоқ тур, тўғриси – шу,
Сен ҳам умрингни тўғрилиқ билан кечир.
- (78) Нутқнинг беағи тўғри сўз турур,
Тўғри сўзла сўзни, нутқингни беа.

ўзга

- (79) Сақлагил тилингни, кел, сўзингни қисқа қил,
Тилинг сақланса, ўзинг ҳам сақланасан.
- (80) Расул: «Эрни ўтга юзи билан улоқтирувчи
Тилдир», – деди, тилингни йиғ, ўзингни ўтдан юлиб ол.

***Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган:
«Кишиларни юз-бети билан ўтга улоқтирган
фақат уларнинг тилларидир».***

- (81) Тўғри сўз асалдек, ёлғон эса саримсоқ кабидир,
Саримсоқ еб оғзингни ачитма, асал егин.
- (82) Ёлғон сўз касал кабидир, тўғри сўз эса шифо.
Бу сўз эскида айтилган мақолдир.

ўзга

***Бу ҳам Ул зот алайҳиссаломнинг сўзидир: «Ёлғон –
касалликдир, тўғрилиқ – шифодир».***

ўзга

- (83) Тўғри бўл, тўғрилиқ қил, тўғри деган от ол,
Кишилар сени тўғри дея билсин.
- (84) Эгриликни қўйиб, тўғрилиқнинг тўнини кий,
Кийим, тўннинг яхшиси тўғрилиқ тўнидир.

тағин

- (85) Сирингни қаттиқ сақла, киши билмасин,
Сўзингдан ўзингга ўкинч келмасин.

- (86) Ҳамма яширин ишинг ошкор бўлиб
Бу кўрган, эшитган сенга кулмасин.

ўзга

- (87) Дўстим деб ишониб сир айтма, сақлан,
Неча ишончли яқин дўстинг бўлса ҳам.
(88) Сиринг ўзингда сабр билан сақланмаса,
Дўстингда сақланармиди, буни яхшилаб ўйла.

[Саккизинчи боб]

**Учинчи навъ. Дунё ва унинг ҳолатларининг
ўзгариши ва вафосизлиги тўғрисида**

- (89) Бу дунё тушиб кўчгулик работдир,
Работга тушгучи кўчиш учун тушади.
(90) Карвоннинг боши кўзғалди ва йўлга тушиб узоқлашди,
Боши кўзғалган карвон яна қанча юради.

ўзга

- (91) Бу дунё кетидан югурмак нечун?
Хасис молдан сўнг деб ўзингни зўрла.
(92) Молга бунчалик кўнгил боғламоқ недан?
Бу мол эрталаб келса, кеч томон кетар.

тағин

- (93) Товар суқлиғини кўнгилдан чиқаргил,
Кийим ва қорин тўқлиғи билан қаноат қил.
(94) Қашшоқлик, фақирлик озиқ йўқлиғидир,
Товар йўқлиғини қашшоқлик деб айтма.

тағин

- (95) Бу дунё нарсаларидан, егу, кийгулик
Ол, ортиғини тилама, (ортиғи) вабол ютгуликдир.

- (96) Расул дунёни экинзор деб айтган,
Экинзорда тер тўк, эзгулик (уруғи)ни эк.

***Ва бу ҳам Ул зот алайҳиссаломнинг сўзларидир:
«Дунё охират экинзоридир».***

- (97) Бу дунё лаззати боқий эмасдир,
Завқ муддати ел кечгандек кечади.
(98) Йигит кексаяди, янги (наrsa) эскиради,
Қувватли (киши) чўкади, кетар қуввати.

тағин

- (99) Бу дунёнинг нарсаси бугун бор, эртага йўқ,
Меники деганинг мол ўзгаларникидир.
(100) Тўлган ҳамма наrsa озаяди, тугал (наrsa) йўқликка юз тутади,
Ҳамма ободоннинг харобдир сўнги.

***«Бирор наrsa тугал бўлса, камая бошлайди, заволга
юз тутса, унга тугал бўл дейилади».***

- (101) Қанчадан-қанча ер бор эди, кишиси сиғмасди,
Кишиси ўтди, ери эса бўшаб қолди.
(102) Неча олим, неча файласуфлар бор эди,
Бугун улар қани, мингдан бири ҳам йўқ.

ўзга

- (103) Дунё бир кулади, яна пешонаси тиришиб, қош чимиради,
Бир қўлида бол тутиб, бирида заҳар сақлар.
(104) Қўл билан бол тоттириб, оғизни тотли қилади,
Кейинроқ эса қадаҳга заҳар солиб тутади.

тағин

***Аллоҳ таоло буюрганидек: «Дунё ҳаёти алдоқчи бир
матодир». [Оли Имрон, 185- оят]***

- (105) Ширин наrsa тотсанг, аччиққа ҳам ҳозирлан,
Роҳат бир марта келса, ранж ўн марта келади.

- (106) Эй ғам-қийинчиликдан безиб, умид қилувчи (киши),
Бу дунё қачон умид ери бўлганди?

**«Дунё айниса, унда холис (киши) қолмайди, сўнг дунё
қарийдию унда тўлиқ хурсандчилик бўлмайди».**

- (107) Бу дунё илон кабидир, илонни ўқламоқ керак,
У қўл билан тутиб кўрилса, юмшоқ, ичи заҳарга тўладир.
(108) Илон юмшоқ бўлса ҳам, феъли ёвуздир,
Ундан узоқ туриш лозим, юмшоқ деб янглишмагил.

тағин

- (109) Бу дунёнинг ҳам ташқи кўриниши гўзалдир,
Ва лекин ичида мингларча нохушлик бордир.
(110) Боқиб, ташқи беаганини кўриб сен бунга
Кўнгил боғламоғинг, билки, хатоларнинг бошидир.

**Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган: «Дунёга бўлган
муҳаббат ҳар бир хатонинг бошидир».**

- (111) Дунё ниқобини кўтаради, бироз юзи очилади,
Кучадигандек қўлини ёзади, сўнг яна орқага қочади.
(112) Бахт гўё ёзги булутдек ёки туш кабидир,
Турмасдан кечади ё қушдек учар.

[Тўққизинчи боб]

**Тўртинчи навъ. Сахийликнинг мадҳи ва хасисликнинг
ёмонлиги тўғрисида**

**Пайғамбар – Ул зотга Аллоҳнинг салот ва саломлари бўлсин –
шундай деган: «Сахий кишининг гуноҳидан қўрқинг, чунки оёғи
ҳар қоқилганда Тангри унинг қўлидан тутар».**

- (113) Эй дўст, билимли кишининг изидан бор,
Агар сўзлар бўлсанг билиб сўзлагил.
(114) Агар мақтайдиган бўлсанг сахий эрни мақтагил,
Бахилни қаттиқ ёй ва ўқ билан нишонга ол.

(115) Барча тиллар сахий кишининг саносини айтади,
Сахийлик барча айбнинг кирини ювади.

(116) Сахий бўл, сенга сўкинч сўз келмасин,
Сўкинч келадиган йўлни сахийлик тияди.

(117) Эгилмас кўнгилни сахий киши эгади,
Тегилмас муродга сахий киши тегади.

(118) Бахилликни мақтар тили қани, қаерда?
Сахийликни авом, хос, барча халқ мақтайди.

(119) Сахий киши билимга ета билди, кўргин,
Молини у билан сотди, сано олди, кўргин.

(120) Муҳтожларнинг кўмакчиси бўлиб яшади,
Дунёда яхши от қолдириб ўтди, кўргин.

ўзга

(121) Бахил ҳаромлик билан кўп олтин ва кумуш тўплади,
Елкасига вабол юклаб ўтди, сўкиш (ҳам олди).

(122) Моли кишилар аро улуш бўлди,
Бахил бунда ўкинчдан улуш олди.

Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган: «Ким тавозели бўлса, Аллоҳ уни юксалтиради, ким такаббурлик қилса, Аллоҳ уни чўктиради».

ўзга

(123) Эй мол эгаси, сахий, эзгу киши,
Худо сенга берган бўлса, сен ҳам (халққа) бер.

(124) Қарғалган ва сўкишга учраган кимса териб (бировга)
бермаган (кимсадир),
Териб бировга (ҳам) берар бўлсанг қанча терсанг тер.

ўзга

(125) Табиатнинг энг яхшиси ва одатларнинг айбсизи
Сахийликдир, билки, бахиллик (буларнинг энг) чиркинидир.

- (126) Қўлларнинг энг қутлуғи (бировга) берадиган қўлдир,
Олиб (бировга) бермаган қўл қўлларнинг қутсизидир.

байт

**«Халқ ичида энг чиройли юз яхшилик қилувчининг юзи, халқ
ичида энг яхши қўл эҳсон қилувчининг қўлидир».**

- (127) Бахиллик дори ичиб ҳам тузалмас касалликдир,
Бахилнинг қўли (бировга нарса) беришдан бутунлай маҳрумдир.
(128) Қўзи суқ бахилнинг йиғиб ҳам кўнгли тўлмайди,
У молнинг қулидир, моли эса унга ҳокимдир.

ўзга

- (129) Бу халқ ичида энг яхши киши сахийдир,
Сахийлик шараф, иқбол ва жамолни орттиради.

**Пайғамбар алайҳиссалом айтди: «Бахилликдан
қўра ёмонроқ яна қандай иллат бор?!»**

- (130) Кишилар аро севилмакни истасанг
Сахий бўл, сахийлик сени севдиради.

ўзга

- (131) Бахил, нокас, тубан – мол-мулк посбони,
Йиғар, емас, ичмас, уни берк тутади.
(132) Тириклигида дўстига туз тоттирмайди,
Ўлади, (моли) қолади, охир уни душмани ейди.

[Ўнинчи боб]

**Бешинчи навъ. Камтарликка буюриш, кибр ва
ҳирсдан қайтариш тўғрисида**

«Ҳирс узун орзуларнинг кетидан югуришдир, бу ҳақиқат».

- (133) Яна бир керакли сўзим бор сенга,
Уни мен сенга айтай, қулоқ тут менга.
(134) У (сўз) шудирким, кибрни ерга солиб,
Тавозуни маҳкам тут, унга қаттиқ ёпиш.

ўзга

- (135) Дунё молини фақат ғамловчи
Ея билмади, ўтиб борди, (унинг) ҳолини кўринг.
(136) Хотини бунда бошқа киши билан қолиб,
У унда ётиб, ҳисобини беради.

ўзга

- (137) Кибр ҳамма тилда қарғишга учраган қилиқдир,
Қилиқлар ичида энг эзгуси очиққўнгилликдир.
(138) Ул кишиким ўзини улуғ санади, манманлик қилди,
Уни на халойиқ севади, на Холиқ.

**Қудсий ҳадислардандир: «Улуғлик – чакмоним (таш
тўним), кибр – ич тўнимдир. Бу иккиси хусусида мен
билан талашганни ўтга улоқтирғум».**

ўзга

- (139) Кибр либосини кийган бўлсанг дарҳол уни еч,
Халққа қарата кўксингни керган бўлсанг, яхши гапириб,
дарҳол олдини ол.
(140) Мўминликнинг белгиси тавозудир,
Агар мўмин бўлсанг, мутавозий бўл.

ўзга

- (141) Тавозу қилиқлини Тангри юксалтиради,
Такаббурлик қилувчи кишини қуйи туширади.
(142) Зинҳор ўзингни улуғ тутма, улуғ бир Тангридир,
У: «Улуғлик менингдир, сиз улуғсинманг», – деди.

Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган: «Кимки камтарин бўлса, Тангри уни юксалтиради, кимки такаббур бўлса, уни хор қилади».

- (143) Улуғсиндиғинг (наҳотки) мол билан боғлиқ бўлса,
Улуғлик томон қўл узатганинг (молга боғлиқми)?
- (144) Молнинг фойдаси недирки, унга томон интиласан,
Кейин бу дунёда йиққан-терганинг қолиб кетади.
- (145) Агар кибр эгаси: «Мен аслман», – деса,
Мен унинг жавобини кесиб айтайин:
- (146) Яхшилаб кузатилса, ота бир, она бир, авлод ва
халқларнинг тафовутлари йўқ.

[Ўн биринчи боб]

***«Инсонлар аслан бирдирлар: оталари
Одам ва оналари Ҳавводир».***

- (147) Кел, яна пандимни ол, бошқа амал қўшмагин,
Амалнинг остида ажал беркинган.
- (148) Амал деганим, эй дўст, узун ўйламоқдир,
Узун ўйлама, кўп амал қил.

ўзга

- (149) Кийим, тўн, шароб, ош керак дейсан,
Кўп мол, талай қул, чўри керак дейсан.
- (150) Умр бўйи мол-мулк йиғган бўлсанг ҳам,
Аввал бошга бўркни киядиган бош(нинг ўзи соғ бўлиши) керак.

ўзга

- (151) Очкўзлик ҳам кишига ёвуз хислатдир,
Очкўзликнинг сўнги ғам, ўкинч, ҳасратдир.
- (152) Бу бойлик, қашшоқлик Тангри қисмати,
Очкўзлик кишига фақат заҳматдир.

Ўзга

***Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган:
«Очкўз киши – маҳрумдир».***

- (153) Очкўз (киши) дунё молини териб тўймайди,
Эгаси қариса ҳам, очкўзлик қаримайди.
- (154) Очкўз киши қачонки ўлиб,
Тупроқ ичига кириб ётсагина очкўзлигини кўяди.

Ўзга

- (155) Очкўз мол йиғиб чарчамайди, ухламайдиган бўлиб қолади,
Очкўзлик касалининг давосини ким билади?
- (156) Шундай сўз бор: агар одамзодга
Икки кафт динор берсанг, уч кафт қилиб сўрайди.

Ўзга

***Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзи ҳам шу маънодадир: «Одам
ўғлининг икки водий олтини бўлса ҳам, албатта, учинчисини
орзу қилар эди».***

- (157) Эй ҳирс эгаси, очкўзлик нима учун керак?
Айтиб бер менга, бу нимага ярайди?
- (158) Бирда тор, бирда кенг ризқинг битилган,
Очкўзлик буни яхшиликка айлантирармиди?

[Ўн иккинчи боб]

***Буюк Тангрининг буюргани каби: «Биз уларнинг ўртасидаги
ризқларини шу ўтқинчи дунёда тақсимлаб қўйдик».***

[Зухруф, 32- оят]

- (159) Асли кўркли кишининг феъл-атвори ҳам кўрклидир,
Феъл-атвори кўркли кишига кўнгил боғланади.
- (160) Бир киши билан бошқаси ўртасида тафовут кўпдир,
Ва лекин кўринишда ҳаммасининг бўрки бордир.

**Олтинчи навъ. Гўзал ахлоқлар ва улар билан
одобланишга ундаш тўғрисида**

- (161) (Инсонларнинг) феъл-атворини яхшилаб кузатгин,
Ким карамли бўлса, уни инсон дегил.
- (162) Карамсиз киши бамисоли мевасиз дарахтдир,
Мевасиз дарахтни кесиб ўтда ёқ.

***Пайғамбар алайҳиссалом шундай деган:
«Тангрининг буйруғини улуғлаш жонзотларга
мурувват кўрсатишдир».***

- (163) Муслмонга шафқатли ва меҳрибон бўл,
Ўзингга раво кўрганларингни муслмонга ҳам раво кўр.
- (164) Сенга жафо қилғучига жавобан вафо қил,
Қон билан қонни қанча ювса ҳам, тоза бўлмайди.

ўзга

- (165) Яроқли ошингни (ночор) кишига едир,
Яроқли кийим топсанг уларга кийдир.
- (166) Кишига куч-заҳмат етказма, агар
Кишидан сенга заҳмат етса, унутиб юбор.

ўзга

- (167) Ёмонлик қилган кишига сен яхшилик қилгин-а,
Карамнинг боши шудир, бунини яхши билгин-а.
- (168) Агар сенга кишилардан эзгулик келса,
Кўп қилиб қайтар, у кишининг саносини айт.

тағин

- (169) Ёзуқли кишининг ёзуғин кечир,
Адоват илдизини сен қўпориб ташла.
- (170) Ғазаб ва душманлик ўти алангаланса,
Ҳалимлик сувин соч, ул ўтни ўчир.

Аллоҳ таоло буюрганидек: «(Улар энгилликда ҳам, оғирликда ҳам нафақа қиладиганлар), ғазабини энгган ва одамларнинг камчилигини кечирганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севади». [Оли Имрон, 134-оят]
Пайғамбар алайҳиссалом айтгани каби: «Кимки кучи ета туриб ғазабини ичига ютса, Аллоҳ унинг қалбини иймон ва хотиржамлик билан тўлдиради».
Пайғамбар алайҳиссаломнинг бу сўзи ҳам айни маънодадир: «Кимки кечиримли бўлса, Аллоҳ уни кечиради».

- (171) Карам бир бинодек, унга ҳилм пойдевордир
 Ё ҳилм бўстон кабидир, карам эса ундаги алвон гулдир.
- (172) Йиғиқлига дастак бер ва кесиклини ула,
 Бундайин кишига ҳур инсон қул бўлади.

Ўзга

- (173) Эй дўст, улуғларнинг ҳақини сақлагин,
 Фойдасиз мизоҳ ва жадалдан сақлан.
- (174) Бу мизоҳ буюкларни сенга қарши қўяди,
 Кичикларни густоҳ қилар, буни яқиндан бил.

Аллоҳ таоло буюрганидек: «Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир». [Бақара, 153- оят].
«Дарҳақиқат, қийинчилик билан осонлик келади, дарҳақиқат, қийинчилик билан осонлик келади» [Шарҳ, 5–6- оятлар]
Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзидаги каби: «Сабр билан ғамдан қутулишни кутиш – ибодатдир».

- (175) Бало келса, фараҳни кутиб, сабр қил,
 Бало ва заҳматни йўқ қилиш учун фараҳни кутиб тур.
- (176) Заҳмат ўти ўчади, кечар навбати,
 Сабр эгаси савобини кутиб қолади.

Ўзга

- (177) Улуғликка етишсанг шошилиб қолма,
 Агар кийсанг атлас, бўзингни унутма.

- (178) Улуғ бўлганингдек адолатли бўлиб,
Улуғга, кичикка сўзингни мулойим қил.

Еттинчи навъ. Турли маъноларни англатувчи байтлар

- (179) Сўзни уқиб сўзла, шошиб сўзлама,
Сўзингни сақла, кейин бошингни сақлаб ўтирма.
(180) Минг киши дўстинг бўлса ҳам, кўп деб билмагил,
Душманинг бир киши бўлса ҳам, уни оз демагил.

***Бу Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзидир:
«Минг дўст оз ва бир душман кўндир».***

- (181) Киши қанчалик ақлли бўлса ҳам, бирор нарсада янглишади,
Қанчалик ҳунарманд бўлса ҳам, бир қусури бўлади.
(182) Бу бир айбига қараб (кишининг) бошини олувчи,
Дунё яшовчи кишисиз қолади.

ўзга

- (183) Яхши феъл-атвор билан кишиларнинг кўнглини олиб яша,
Ўзингни ёмонликдан бир ёнга ол.
(184) Иш қилар бўлсанг ўйлаб, тушуниб қил,
Керакли-кераксизлигини олдиндан билиб қил.

ўзга

- (185) Қандай иш юзма-юз келса, уни яхшилаб кўздан кечир,
У ишнинг ўнгини, сўнгини ўйла.
(186) Кети севинчли бўлса, унга кўнгил қўй,
Ундан ўкинч келар бўлса, олдиндан ўйла.

ўзга

- (187) Кишиларнинг яхшилигу ёмонлиги орзу қилиб
(ўтириш билан) кечмайди,
Ёмон ишнинг ҳам, яхши ишнинг ҳам жавоби кечикмайди.

- (188) Эй ёмонлик қилиб, яхшилик кутган киши,
(Билки) тикан эккан киши (эвазига) узум узмайди.

**«Бирор кимсадан интиқом олсанг унинг
душманлигидан эҳтиёт бўл,
Кимки тикан экса ундан узум ҳосилини олмайди».**

Ўзга

- (189) Кишининг дўсти яхши бўлса, ўзи ҳам яхши бўлади,
Киши дўстининг яхшилигидан кўп хайр топади.
(190) Ёмонга яқин бўлма, ёмоннинг суҳбати
Сени ҳам ёмон феълли қилади.

Ўзга

**Пайғамбар алайҳиссалом айтганидек: «Кимки зулм қилувчи
билан юрса, унинг зулмига шерик бўлади».**

**«Сен кишининг ўзидан сўрама, унинг яқин кишисидан сўра.
Унинг яқин кишиси у қадрлайдиган нарсаларнинг
қадрловчисидир».**

[Ўн учинчи боб]

- (191) Дўстлик мажоз бўлди, ҳақиқат қани?
Мингларча дўstdан бирининг тўғриси топилмайди.
(192) Кўп кишилар ташқи томондан чин дўст кўринсалар-да,
Ичдан вафосиздирлар, буни билгин.

Ўзга

- (193) Бу кун бу дунёда кишилик эсиз,
Қани, инсонийлик қайга кетди, эсиз.
(194) Вафонинг илдизи қақшаб, йўллари қуриди,
Жафо денгиздан ҳам баланд тўлиб-тошди.

Ўзга

- (195) Қани аҳд, омонат, қани эзгулик?
Сўнгги кунда хайрли иш ҳам (орадан) кўтарилди.
- (196) Хайрнинг боши кетди, сўнги ҳам борғуси,
Ёмонликнинг боши келди, сўнги ҳам келгуси.

Ўзга

- (197) Дунё душманлик, жафо ва жавр билан тўлди,
Қани бир вафоли, бор бўлса, чақир, бир кўрай.
- (198) Сен ўзинг бузуқсан, шунинг учун (дунё ҳам) бузилди,
Не учун бу дунёдан шикоят чекурсан?

Ўзга

- (199) Ғариб эди ислом, яна ғариб бўлди,
Ибодат риё бўлди, обид эса – мажоз.
- (200) Ободон харобот ўрамига айланди,
Хароб бўлди масжид, халқ эса – бенамоз.

***Бу Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзидир ва у тўғри
айтилган: «Исломнинг бошланиши ғарибликдир ва
ғарибликка қайтади».***

- (201) Олим аъмолини қўйди, зоҳид эса ибодатини,
Ориф рақсга тушиб, хуш само этади.
- (202) Бидъатдан қайтарувчи киши қолмади,
Шунинг учун кунда бидъат ортиб бормоқда.

Ўзга

- (203) Қани амри маъруф қилувчи яхши киши?
Яхши киши турадиган ернинг ўзи қани?
- (204) Халқини қўйиб, замонангдан шикоят қиласан,
Замонангдан эмас, кишиларидан шикоят қил.

ўзга

- (205) Ким икки юзли бўлса, у эътибор соҳибидир,
Эътиборли бўлишни истасанг юр, икки юзли бўл.
(206) Йўл кимнинг ҳақи бўлса, унинг йўли йўқ,
Йўлда ҳақи бўлмаган кишининг эса йўллари очиқ.

ўзга

- (207) Эй ахлоқсиз, севиниб юр,
Бу сенинг замонингдир, истаганингни қил.
(208) Истаганингча, ғамсиз ва қайғусиз яша,
Сенга ким қай ерда ва қай тилда қаршилиқ қила олади?

ўзга

- (209) Уят йўқолди ўчиб, топилмас деди,
Ҳалол еган қани, ўзи топилмас.
(210) Ҳалолнинг ўзи қайда, бу кун, қани, ким
Ҳаромни еярда ҳаром деб еди?

ўзга

- (211) Халқ молли кимсаларга таважжуҳ этиб
Бари озод нафсларини (унга) қул қиладилар.
(212) Кимки молсиз бўлса, у кишини кўриб
Юзни тескари қилиб, кўзни юмиб оладилар.

ўзга

- (213) Эй молга суқ киши, яхши билиб ол, бу мол
Бу кун қайғу, тушунча, эртага эса юк ва ваболдир.
(214) Молинг ҳаром бўлса, азобдир сўнги,
Агар молинг ҳалол бўлса, у ҳам ҳисоблидир.

ўзга

**Бу Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзлари:
«Ҳалоли – ҳисоб ва ҳароми – азобдир».**

- (215) Нафсинг молга бунчалик суқ бўлмаса,
Кўнгилда ғаминг ва тилингда сўзинг ҳам (мол)дир?
(216) (Ўзинг) ўтарсан, молинг душманингга қолади,
Кафанлик бўзингни ҳам уялганларидан берадилар.

Ўзга

***Аллоҳ таоло буюрганидек: «Сиздаги нарса тугайди,
Аллоҳники эса боқийдир». [Наҳл, 96- оят]***

- (217) Бир тарафга жамлаганинг сенинг молингдир,
Қўлингда тутиб турган молинг эса сен учун ҳасратдир.
(218) Бу кун йиғиш-териш сен учун лаззатдир,
Эртага эса ташлаб кетишинг аччиқ бўлади.

***«Берганларимиздан фойда кўрдик,
беролмаганларимиздан зарар кўрдик».***

Ўзга

- (219) Бу дунёнинг мазаси қоришиқдир,
Азияти кўпрак, мазаси оздир.
(220) Асал қайда бўлса, ёнида араси биландир,
Асалдан аввал арининг захри тотилади.

Ўзга

- (221) Ҳунарли кишига дунё вафосизроқдир,
Ҳунарсиз кишига эса бунга қараганда жафо озроқдир.
(222) Ҳунар бирла давлатнинг бир келиши
Топилмайди, ҳамма нодир нарсадан ҳам нодирдир.

Ўзга

- (223) Ҳунар эгаси бу дунёга не гуноҳ қилди,
Нима учун дунё унга азоб беради?
(224) Ҳасисларни юксалтириб, қийматлиларни ерга уради,
Йўқса, бу қутсиз дунё қариганда етадими?

Ўзга

- (225) Эй ҳукмини дунё томон қаратувчи,
Уни баъзан азоблаб, баъзан такрор севгучи,
(226) Келадиган иш Тангрининг ҳукми билан келур,
Инсон яхши кунларга Унинг амри билан етишади.

Ўзга

- (227) Дунёга бу нолиш, маломатнинг нима кераги бор?
Қазоларни юритувчи яратган маликдир.
(228) Қазо билан оёққа тикан санчилади,
Қазо билан кийик тузоққа илинади.

Ўзга

- (229) Ҳамма тегувчи нарса қазодандир,
Билимсизлар уни сабабдан қўради.
(230) Осмондаги қушлар қазо билан учади,
(Улар унинг туфайли) қўноққа қўнадилар ва қафасга кирадилар.

Ўзга

- (231) Қазо келар бўлса, югурувчи елиб югуролмайди,
Қаттиқ ей ўқталиб ҳам қазога қарши бўлолмайди.
(232) Сенга изтироб, унга хазина берган Тангридир,
Эй кимса, Эгаси турганда бировга жазо ва изтироб қилма.

[Сўнгги боб]

Сўз тугаётганлигининг маъзур тугилиши баёнида

Ўзга

- (234) Китобни мавизалар шаклида ёздим,
(Уни) ўқиса тил асал егандек тотли бўлади.
(235) Кимки бу сўзга бошқаларнинг сўзини тенглаштирса,
Дуруст сўз билан сохта сўзни тенглаштиргандек бўлади.

Ўзга

- (236) Адиб Аҳмад отим, адаб-панд сўзим,
Сўзим бу дунёда қолади, ўзим эса ўтаман.
(237) Келур куз, кечар ёз, умр ўтиб боради,
Умрни ёзим ва кузим тугатмоқда.

Ўзга

- (238) Шунинг учун ҳам бу туркий китобни чиқардим,
(Ўзингга) керак қил деб, эй дўст, истасанг қабул этма.
(239) Тансиқ ва турфа сўзларни битидим
Агар ўзим ўтсам, сўзим қолсин деб.

Ўзга

- (240) Шунинг учун бу чиройли ва сузук китобдир,
Саралаб жойига келтирдим, ғализларини ташладим.
(241) Нодир ва сузук (сўз) оздир, ҳазил кўп бўлади,
Чуз атлас ноёб бўлади, арзони бўздир.

Ўзга

- (242) Эй мендан кейин (дунёга) келувчи (киши), бун
Ўқисанг дуода мени унутма.
(243) Сени менга дуо ҳадя қилади дея
Сенга бу тансиқ сўзимни совға қилдим.

Ўзга

.....

«ҲИБАТУ-Л-ҲАҚОЙИҚ» АСАРИГА ҚЎШИМЧА ҚИЛИНГАН ШЕЪРЛАР ЎГИРМАСИ

***Адиб Аҳмад тўғрисида – унга Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин –
номаълум кимса ҳам таъриф берган***

- (1) Адибнинг кўзи туғма кўр эди,
Бу ўн тўрт боб ичра сўзини тугатти.
- (2) Устига олтин юк ортилган фил бўлса-да,
сўзнинг ози унинг тенгидир.

***Бошқаларнинг, яъни Амир Сайфиддиннинг – унга
Аллоҳнинг раҳмати ёғилсин – уни [яъни, Адиб
Аҳмадни] мақтаб айтган сўзларидан***

- (3) Адиблар адиби, фозиллар боши ақл билан гавҳардан
сўз айтди, қолган сўзлар унга тенг келмайди.
- (4) Яратган бу онда уни раҳмат қилсин,
охиратда ўрнидан қўпганда ёронларга эш бўлсин.

***Мартабали Амир, элга танилган ва бошқарувчи
Арслон Хожас тархоннинг – унга Аллоҳнинг
раҳмати ёғилсин ва ундан Аллоҳ рози бўлсин – Адиб
Хожас – унинг тупроғи нурга тўлсин – таърифида
айтганларидан***

- (5) Адиб туғилган ерининг оти Югнакдир,
сафоли ажойиб ердир, кўнгиллар ёришади.
- (6) Отасининг оти Маҳмуд Югнакийдир,
Адиб Маҳмуднинг ўғлидир, бунга ҳеч шубҳа йўқдир.

- (7) Китобининг оти «*Atabatu-l-ḥaqqāyiq*» эрур,
бу (ном) арабчадан олингандир.
- (8) Асар *kāṣṣarī til* билан ёзиб тугатилди,
Адиб уни адабий тил билан айтмишдир.
- (9) Агар ҳар киши *kāṣṣar tili* ни билса,
Адибнинг нима айтганларини билиб олади.
- (10) Киши тилни билса, (асар) маъносини ҳам билади,
ўзи билмай туриб биламан деса, айбдир.
- (11) Кўп кишиларни кўряпмиз, Адиб сўзини
билар-билмай, ўзидан қўшиб айтмоқда.
- (12) Уни халқ орасида айбга қўйиб,
яна унинг ғалати маъноларини айтиб юрибдилар.

Яратгучи подшоҳ Аллоҳнинг қўмагида
«Ҳибату-л-ҳақойиқ» тугатилди

- (13) Шу сабаб бўлиб китобни битидик,
истасанг қабул қил, истамасанг, йўқ.
- (14) Кимки Адибнинг сўзини тутса,
халойиқ орасида ўзининг эътиборини юксалтиради.

АДИБ АҲМАД ВА УНИНГ «ҲИБАТУ-Л-ҲАҚОЙИҚ» АСАРИ ТЎҒРИСИДА

Адиб Аҳмаднинг ҳаёти ва мероси тўғрисида дарак берувчи манбалар

Адиб Аҳмад, нисбасига қараганда, Югнакда туғилиб улғайган. Кейинчалик Бағдодга бориб, мадрасада ўқиган.

Адиб Аҳмаднинг ҳаёти ва ижоди ҳақида бир қанча манбада маълумот келтирилган, лекин тўлиқ эмас. Унинг яшаган замони ҳам ноаниқ: кунимизгача сақланган «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарининг тил хусусиятларига таянган ҳолда адиб тахминан XII асрда қорахонийлар даврида умр кечирган деб қаралади.

Шоир тўғрисидаги ишончли маълумотни, аввало, унинг ўз тилидан ёзиб олинган «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асаридан оламиз. Асар муқаддимасидаги ҳукмдор Амир Муҳаммад Дод испоҳсолорга бағишланган боб ҳамда китобнинг ёзилиш мақсади, шунингдек, асарнинг сўнгги китоб эгасининг узри баён қилинган бобларида шоир ўзи ҳақида, китобни қайси амалдорга бағишлагани тўғрисида маълумот берган. Чунончи:

*Adib Aḥmad atim, adab-pand sōzūm,
Sōzūm munda qalur, barur bu ōzūm.*

(Отим Адиб Аҳмад, сўзим панду насиҳатдан иборат,
Ўзим ўтсам ҳам, сўзим бу дунёда қолади), –

деган эди шоир ўзи ҳақида (YugA.113,4–5).

Адиб Аҳмад тўғрисидаги яна бир маълумотни эгаси номаълум бир тўртликдан ўқиймиз. Тўртлик эгаси шоирни таърифлаб, унинг асари ўн тўрт бобдан тузилганини қайд этади. Ушбу тўртлик «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг кунимизгача етиб келган уч йирик қўлёзма-сида асар матнига илова қилинган. Мана ўша тўртлик:

*Tuya körmäs erdi Adibniñ közi,
Tügätti bu on tört bāb içrā sözi.
Yayan bolsa yüklüg, üzäsindä zar,
Aniñ tuşı bolyay bu söznüñ azı.*

(Адибнинг кўзлари туғма кўр эди,
У ўз сўзларини ўн тўрт бобда баён қилиб берди.
Филнинг устидаги юки тўла олтин бўлганда ҳам,
Сўзнинг ози унга тенг бўлади) (YugA.116,6-7, 3).

Амир Сайфиддин отли шоирнинг тўртлиги ҳам адибга бағишланган. Унинг бу шеъри қўлёзмаларда юқорида қайд этганимиз эгаси номаълум тўртликдан сўнг берилган. Мана ўша шеър:

*Adiblar adibi, fāḡillār baṣī
Gūhardīn sōz aymīš, ōgūn sōz biṣī.
Uyan rahmat etsūn bu sā'at aṇa,
Yarīn qopsa, bolsun yārānlar eṣi.*

(Адибларнинг адиби, фозилларнинг боши
Ўзининг гавҳарга тенг сўзларини айтди, бошқа сўз (унинг олдида) қадрсиздир.

Қодир Худо бу дамда уни раҳмат айласин,
Охиратда қад кўтарганда ёронларнинг эши бўлсин) (YugA.118,1-4).

Адиб Аҳмад тўғрисида Амир Темур замонида яшаб ўтган маданият ва адабиёт ҳомийси Амир Арслон Хожа тархон ҳам маълумот берган. Бу киши Адиб Аҳмад меросининг қадрига етди, унинг келгуси ўғил-қизларга сақлануви учун кўп яхши ишлар қилди. Таниқли хаттот Зайну-л-Обидин бахшига буюртма бериб «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг таянч матнини туздирган ҳам ўша киши бўлади. Асарнинг ушбу қўлёзмаси 1444 йили Самарқандда уйғур ёзувида битилган.

Амир Арслон Хожа тархон шоирга атаб шеър ҳам битган, бу шеъри «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг ўша таянч нусхасига илова қилинган. Унинг шеъри юқорида қайд этилган тўртликлардан кейин келтирилади.

Шеърда у адибнинг оти, унинг отаси, туғилган юрти, асарининг оти тўғрисида шундай ёзади:

*Adibniñ yeri atī Yūgnāk erūr,
Şafāliq 'ajab yer, kōñüllār yarur.*

*Atasī atī Maḥmūdi Yūgnākī,
Adib Maḥmūd oyli, yoq-ol heç şaki.*

*Kitābinīñ atī erūr «'Atabatu-l-
Haqāyiq» 'ibārat 'arabdin oşul.*

(Адиб туғилган ернинг оти Югнакдир,
Сафоли ажойиб ер, кўнгиллар ёришади.

Отасининг оти Маҳмуд Югнакий,
Адиб Аҳмаднинг ўғлидир, бунга шак-шуҳба йўқ.

Китобининг оти «Атабату-л-ҳақойиқ»,
Бу ном арабчадир) (YugA.118,6–119,5).

Адиб Аҳмад тўғрисидаги муҳим ва қимматли маълумотни Алишер Навоийдан оламиз. Навоий Адиб Аҳмадни икки асарида ҳурмат-эҳтиром билан тилга олган эди. Бири «Насойиму-л-муҳаббат» тазкирасида. У ерда Навоий адибнинг кўзи ожиз экани, лекин ўта зийрак ва закийлигини таъкидлаб, улусда ёйилган бир нақлни эслайди. Адибнинг турк алфозида битган панду ўғитларини юқори баҳолаб, унинг байтларидан мисоллар келтиради.

Навоий яна Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга битган мактубларидан бирида ҳам (бу мактуб «Муншаот»га кирган) Адиб Аҳмадни эслайди ва ундан ибрат қилиб бир тўртликни келтиради.

Адиб Аҳмаднинг кўзлари бутов эди. Алишер Навоий «Насойиму-л-муҳаббат»да ёзади: «... *Derlār-ki, közlāri bütāw ermiş-u aşlā zāhir ermās ermiş. Başir bolup özgā başirlar-deg andağ emās ermiş-ki, köz bolıyay-u, körmās bolıyay, ammā bağāyat zīrak-u zakī va zāhid-u muttaqī kişi ermiş. Haq subhānahu va ta'ālā agarçi zāhir közin yapuğ yaratqandur, ammā kōñli közin bağāyat yaruğ qilyandur. ... anīñ tili türk*

alfāzi bilā mavā'iz-u naṣāyihqa gōyā ermiš, balki aksar Türk ulusida hikmat-u nuktalari sāye'dur va naẓm tariqi bilā aytur ermiš...» (НМ,333).

Адиб Аҳмад кўзлари бутов бўлишига қарамай, Навоий ёзганидек, «бағоят зийраку закий ва зоҳиду тақводор киши эди». Ўзи хат ёзиб-ўқимаса-да, бировларнинг ўқиб берганини ёдда сақлаган, хотираси ўта кучли эди. Мадрасада мударрис ва бошқа толиби илмларнинг қироатини тинглаб ўтириб ҳатто Қуръони каримни ҳам ёддан билган. Унинг айтиб турганларини бировлар қоғозга туширган. Панду насиҳатга йўғрилган асарларини унинг оғзидан ёзиб олганлар.

Навоий у билан боғлиқ қизиқ бир воқеани келтиради: «Лубёга бармоқларини суртиб «қўй буйрагига ўхшайди», ноҳудни бармоғи билан силаб «италгу бошига ўхшайди» дебди. Маскани Бағдоддан неча йиғоч, баъзилар тўрт йиғоч йўл дейдилар, ҳар куни Имом Аъзам суҳбатига ҳозир бўлар экан ва бир масъала ўрганиб, бу йўлни яёв борар экан. Дарсда ўлтирур ери пойгакда экан. Нақлдурки, Ҳазрати Имомдан: «Шогирдларингиз орасида қайсидин кўнглингиз тилар розисиз?» – деб сўрабдилар. Имом: «Бари яхшидур, аммо таҳсилда пойгакда ўтирадиган ва бир масъалани мустаҳкам қилиб, тўрт йиғоч йўлни яёв келиб борадиган ўша туркка тенглашадигани йўқ», – дея жавоб берган экан».

Адиб Аҳмад асарининг аталиши

Адиб Аҳмаднинг кунимизгача етиб келган машҳур асари ўтмишда уч хил – «*Atabatu-l-ḥaqāyiq*», «*Hibatu-l-ḥaqāyiq*», «*yaḥyabatu-l-ḥaqāyiq*» номлари билан юритилган.

Асарнинг *A* қўлёзмаси «*Atabatu-l-ḥaqāyiq kitābi*» деган сарлавҳа билан бошланган (қаранг: Arat 1992, II). Сарлавҳадаги *'ataba* – «остона», *'atabat* эса унинг кўплигидир; *ḥaqāyiq* «ҳақиқатлар» дегани; *kitāb* сўзи бу ўринда «бадий асар» англамидадир. Шунга кўра, «*Atabatu-l-ḥaqāyiq kitābi*» «Ҳақиқатларнинг остоналари китоби», поэтик маънода эса «Ҳақиқатларнинг остоналари, бошланиши», яъни «Ҳақиқатлар муқаддимаси», «Ҳақиқатлар қопқасини очғучи асар» тушунчасини беради.

Голландия қўлёзмалар фондида сақланаётган араб ёзувли *H* нусхасида асарнинг оти *كِتَابُ عَيْنَةِ الْحَقَائِقِ* деб берилган (қаранг: YugH.9a,3).

Асарнинг бошқа бир оти – «*Hibatu-l-ḥaqāyiq*». В ва С қўлёзма нусхаларда асар ана шундай аталган, маъноси «Ҳақиқатлар тортиғи», «Ҳақиқатлар тухфаси» дегани. Қозоқ олимлари буни чиройли ўгирган: улар асарнинг отини «*Ақиқат сыйы*» дейди. Қозоқча *сый* ўзбекчада «сийлов, тухфа» бўлади.

Араб ёзувли С нусхасининг якунида асар Аллоҳнинг мадади билан ёзиб тугатилгани қайд этиб қўйилган арабча жумла бор. Уша ерда унинг оти *هبة الحقايق* деб ёзилган (YugC.49,3).

Асарнинг оти қўлёзма китобга илова қилинган Амир Арслон Хўжа тархоннинг шеърида ҳам келтирилади. Бироқ у ерда у туркий талаффузга мослаштирилиб *هيبث اول حقايق* деб ёзилган (YugC.48,2–3). Бундай ҳол матнчилик амалиётида учраб туради.

Одатда, изофали бирикмалар арабча матнларда қандай ёзилган бўлса, араб ёзувида битилган туркий матнларда ҳам ўшандай ёзилар эди.

Муҳими шундаки, биз сўз юритаётган матнлар, аслида, уйғур ёзувли қўлёзмалардан кўчирилган. Уйғур хатининг имлосига кўра, ўзлашган сўзлар ва изофали бирикмалар туркий талаффузга мослаб ёзилар эди. Бу матнларда ҳам, ҳарқалай, уйғур ёзувининг таъсири сезилмоқда. Матнларни араб ёзувига ўгириш чоғида котиблар арабий изофаларни ҳам туркий талаффузга мослаштириб юборган, чоғи.

Амир Арслон Хожа тархоннинг шеъри асарнинг А ҳамда В нусхаларида ҳам бор. Қизиғи шундаки, уларда асарнинг оти ҳам икки хил келтирилади: А нусхада сарлавҳадаги сингари «*Atabatu-l-ḥaqāyiq*» (YugA.119,4–5), уйғур ёзувида ёзилиб, ўқилиши тагма-таг араб хатида берилган В нусхада эса «*Hibatu-l-ḥaqāyiq*» (YugB.52,7–8). Яна бир жиҳати, В нусхада уйғур ёзувидагиси билан арабийсининг имлоси икки хил: уйғур хатидагиси туркий талаффузга мослаштирилиб «*Hibatu-l-ḥaqāyiq*», тагидагиси эса *هبة الحقايق* шаклида ёзилган.

Асарнинг учинчи оти ҳам бор. Жумладан, узинди ҳолида сақланган D нусхасида китобнинг оти *غيبة ال حقايق* «*ḡaybatu-l-ḥaqāyiq*» деб берилган (Arat 1992,CLXVII). Буни қарангки, «Древнетюркский словарь»да уни рус тилига «Исчезновение истин» деб ўгирибдилар (ДТС,196).

Асар отининг бундай ўгирилганлиги тўғри эмас. Бизнингча, бу номни «Яширин ҳақиқатлар», поэтик маънода «Сирли ҳақиқат-

лар» ёки «Ғойибий ҳақиқатлар» деб ўғирган маъқул. Солиштиринг, ўзбекларда яқин, суюкли кишилар *Ўзи ғойибдан етказсин* дея дуо қилинади ёки *Ғайбуллоҳ* исмида ҳам ана шу маъно бор.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг сақланган қўлёзма нусхалари

Кунимизга қадар асарнинг тўртта йирик қўлёзмаси ва асардан олинган узиндилар (фрагментлар) сақланиб қолган (*қаранг*: Arat 1992,20–39; Содиқов 1997,73–79; Yükneci 2019,28–34).

Асарнинг А (Самарқанд) қўлёзма нусхаси. Ушбу қўлёзмани 1444 йили Самарқандда Зайну-л-Обидин бахши (Зайну-л-Обидин бин Султон Бахт Журжоний Ҳусайний) кўчирган (*қаранг*: Arat 1992,20–26,I–LXII).

Қўлёзма ҳозир Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида (4012) сақланмоқда.

Матн уйғур хатида бўлиб, орадаги арабча оят, ҳадис ва айрим байтлари араб ёзувидадир. Матн, асосан, қорада, айрим сарлавҳа, оят ва ҳадислар зарҳалда битилган. Ниҳоятда чиройли ва тартибли кўчирилган қўлёзма.

Асар уйғур ҳарфлари билан куфа услубига ўхшатиб ёзилган «*Atabatu-l-ḥaqqāyiq kitābi*» сарлавҳаси билан бошланади. Ҳар саҳифадаги матн жадвалга ўроғлиқ. Ҳар бир варақнинг охирига жадвалдан ташқарига изчил равишда пойгир белгилари қўйиб кетилган.

Ушбу нусхада: «Ҳибату-л-ҳақойиқ» – 242, асарга илова қилинган шеърлар – 14, матннинг жами 256 байтдан иборат.

Асарнинг охирида унинг китобат тарихи битилган. Тарих шундай ўқилади:

Nammaqtu ḥaḍihi-n-nusxata fi baldati Samarqanda fi avasiṭi juma-da-l-axira[ti] sanata samanin va arba'ina va samanimi'atini[-l-] hijriyyati-n-nabaviyyati-l-muṣṭafaviyyati [va ana]-l-kātibu-l-'abdu-l-muḍnibu-l-faḳīru-l-muttakilu bi faḍli-llahi-l-ḡaniyyi Zaynu-l-'Abidīna bin Sulṭān-baxta-l-Jurjāniyyu-l-Ḥusayniyyu allahumma 'yufirli va li-validayya va lil-muslimīna va yarḥamu-llahu 'abdan qala amīna (YugA.122,2–123,2).

Мазмуни: «Бу нусхани Самарқандда жумаду-л-охир 848 ҳижрий санасида ёздим. Ёзган: ғаний Тангрининг фазлига етишган фақир,

гуноҳқор қул Зайну-л-Обидин бин Султонбахт Журжоний Хусайний. Илоҳи менга, онамга, отамга ва мусулмонларга мағфират қил. Бунга омин деган қулни Тангри ёрлиқасин».

Асарнинг В (Истанбул) қўлёзма нусхаси. Бу нусха Истанбулдаги Аёсофия кутубхонасида сақланаётган 4557- рақамли мажмуанинг биринчи асаридир (*қаранг*: Arat 1992,27–30,LXIII–CXVI).

Ушбу мажмуани 1480 йили Истанбулда Шайхзода Абдулраззоқ бахши кўчирган.

Манбалардан маълум бўлишича, XV асрда Мовароуннаҳр ҳамда Хуросоннинг йирик адабий-маданий марказлари билан Рум ўртасида узлуксиз маданий, адабий алоқалар кечган. Турк султонлари ўз қўл остида чигатой улусининг тил ҳамда ёзув анъаналарини тиклашга алоҳида эътибор қаратганлар. Уларнинг даъвати билан Турондан эски уйғур хатида кўчирувчи бахшилар чақиртирилган. Шайхзода Абдулраззоқ бахши ана шундай сабаб билан Самарқанддан Истанбулга бориб қолган, султоннинг кўрсатмаси остида уйғур ёзувли қўлёзмалардан нусха кўчириш билан шуғулланган котиблардан бири эди. Бу котиб учун Ҳирот, Самарқанд, Язд сингари адабий ва маданий марказлардан уйғур ёзувли қўлёзмалар юбориб турилган. Жумладан, «Қутадғу билиг», «Ҳибату-л-ҳақойиқ» ва шунга ўхшаш ўнлаб асарлар, Лутфий, Саккокийнинг девонлари ҳам юборилган. Буларнинг орасида Навоийнинг ҳам шеърлари бўлгани шубҳасиз. Ана шу маданий ва адабий алоқалар эпкинида Истанбулда уйғур ёзуви хаттотлик мактаби юзага келди.

Абдулраззоқ бахши кўчирган ушбу мажмуа ҳам ана шу маданий жараёнлар ва адабий алоқалар таъсирида яратилди.

Мажмуага кирган асарларнинг баъзилари уйғур ва араб ёзувида, баъзилари фақат араб, бошқа бирлари эса фақат уйғур хатидадир. Қўлёзма китоб жами 174 бетдан иборат бўлиб, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» унинг 2–69- саҳифаларидан ўрин олган.

Мажмуадаги «Ҳибату-л-ҳақойиқ» уйғур хатида кўчирилиб, ҳар сатрининг тагида унинг ўқилиши араб ҳарфлари билан ёзиб чиқилган. Уйғур ёзувидагиси қорада, остидаги араб ёзувли матн эса қирмизи рангда. Бобларнинг сарлавҳалари, арабча оят, ҳадис ва байтлар ёлғиз араб ёзувида бўлиб, улар зарҳалда битилган. Ҳар саҳифадаги матн 10–11 мисрадан.

Қўлёманинг ортиқча безаклари йўқ, лекин хати тартибли. Асар бошланишидаги араб ёзувли унвон (бисмиллоҳ) нақшга олинган.

Ушбу нусхада матннинг жами 255 байт, шундан «Ҳибату-л-ҳақойиқ» – 241, илова қилинган шеърлар эса 14 байтдан иборат.

Мажмуага Мавлоно Мир Ҳайдарнинг «Маҳзану-л-асрор» асари, Мавлоно Лутфийнинг тўққизта, Саккокийнинг учта ғазали ҳам киритилган. Улар ҳам мажмуанинг биринчи асари сингари уйғур хатида ёзилган бўлиб, ҳар қайси сатри остида араб хати билан унинг ўқилиши берилган.

Китобда яна бошқа бир қатор асарлар берилган бўлиб, улар араб ёзувидадир.

Мажмуанинг охирида унинг китобат тарихи ёзиб қўйилибди. Ўқилиши шундай:

Tārix sekiz yüz seksān dōrt dā, toñuz yilī du-l-qa'da aynīñ on yetisidā šamba küni tamām boldī. Qutluñ bolsun, davlat kelsün, meñnat ketsün, tep šayxzāda Abdu-l-razzāq baxši Qusṭantāniyada bitidi (YugB.159,1-8).

Мазмуни: «Тарих саккиз юз саксон тўртда, тўнғиз йили, зулқада ойининг ўн еттинчисида, шамба куни тамом бўлди. Қутлуғ бўлсин, давлат келсин, заҳмат кетсин, деб Шайхзода Абдулраззоқ бахши Қўстантанийада битиди».

Қўлёмани кўчирган бахшининг оти араб хатида عبد الرزاق, яъни 'Abdur-razzāq, уйғур хатида эса 'Abdul-raz(z)āq деб ёзилган. Туркий талаффузга мослашгани учун, биз уйғур ёзувидагисини қабул қилдик.

Асарнинг С қўлёмна нусхаси. Ушбу нусха Истанбул Тўпқопи сарой кутубхонасида сақланаётган бир мажмуа таркибидадир (қаранг: Arat 1992,30–32, CXVII–CLXVI). Мажмуанинг қайд рақами 35552, сира рақами 244. Қўлёманинг қачон ва ким томонидан кўчирилгани маълум эмас.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг бу нусхаси араб ёзувида, эътибор билан кўчирилган, ҳаракатлар изчил қўйиб борилган. Матн қарада, сарлавҳалар, оят, ҳадис ва арабча ҳикматлар қирмизи рангда. Айрим архаик сўзларнинг остидаги изоҳлари ҳам қирмизида. Хати ниҳоятда чиройли.

Мазкур нусхада: асар матни – 248, илова қилинган шеърлар – 14, жами 262 байтлидир.

Ушбу қўлёманинг яхши ери шундаки, котиб матнни кўчира туриб, асар тилидаги айрим эскирган, архаик сўзлар остига уларнинг

маъносини ёзиб қўйибди. Котибнинг ушбу изоҳлари XVI асрдаги туркий тилнинг (чамаси, ўғуз лаҳжасининг) луғат бойлиги, ундаги унутилган сўзлар қатламини ўрганишда қўл келади. Чунки бу сўзлар ўша даврда унутилгани учун котиб ана шундай йўл тутишга мажбур бўлган.

Масалан, *bodun* сўзининг остига *xalāyiq* деб изоҳланган, *yul* – *xalās qil*, *ket* – *asru yaxši*, *suq* – *harış*, *ažun* – *dunyā*, *ökünč* – *yalınmaq*, *yanut* – *'evad*, *tetig* – *dānā* сингари.

Баъзи эскирган сўзлар сўз бирикмалари ёрдамида ҳам изоҳланган: *öcükürtmā* – *kendügā duşman etmā*.

Бу усул, айниқса, кўп маъноли сўзлар маъносини англаб олишда жуда асқотади. Масалан, *idi* сўзи бир ўринда *teğri*, бошқа бир байтда эса *şāhib* деб изоҳланган.

Бир қатор архаик сўзлар амалдаги туркий сўзлар билан бир қаторда форсча, арабчадан ўзлашган сўз ва бирикмалар билан ҳам изоҳланган: масалан, *adīn* сўзи бир ўринда *özgā* деб берилса, бошқа ўринда *digar* деб изоҳланган.

Асарнинг D қўлёзма нусхаси. Р.Р.Аратнинг ёзишича, узун кўпурилик Сайид Алининг китоблари орасида «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг бир қисми ва манзум Ўғуз достонидан бир парча кўчирилган мажмуа бўлган. Кейинчалик ушбу қўлёзма Анқарага олиб келинган (Arat 1992,32–34,CLXVII).

Р.Р.Арат ўз китобида ушбу мажмуадан қолган бир саҳифанинг фотонусхасини келтирган. Бу «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг матни эмас, балки асар тугагандан сўнг Адиб Аҳмад тўғрисида бошқа шоирларнинг ёзиб қолдирган байтларидир. Биз ана шу фотонусхадан фойдаландик.

Қўлёзмадан қолган узинди шундай ўқилади:

*Tuğa körmāz erdi Adībnuñ közi,
Tügätti bu on tört bāb içrā sözi.*

*Yayan bolsa yüklüg, üzäsindā zar,
Aniñ tuşī bolyay bu söznüñ aži.*

*Adībnüñ yeri atī Yügnāk erür,
Şafāliq 'ajab yer, köñüllār yarur.*

*Atası atı Maḥmūdi Yügnākî,
Adīb Maḥmūd oyli, yoq-ol heç şaki.*

*Kitābinin atı erür «yaybatu-l-
Ḥaqāyiq» 'ibārat 'arabdin oşul.*

*Tamāmi erür kāşyarî til bilā,
Ayittî Adīb rıqqati dil bilā.*

Асарнинг Е қўлёзма нусхаси. Р.Р.Аратнинг ёзишича, Анқарадаги Маориф кутубхонасида сақланаётган бир мажмуада туркий байт ва тўртликлар берилган бўлиб, уларнинг бири «Ҳибату-л-ҳақойиқ»дан олинган (қаранг: Arat 1992,34–36,CLXVIII–CLXXII). Муҳими мажмуадаги туркий шеърларнинг уйғур ва араб ёзувларида берилганлигидир.

Мажмуада дастлаб уйғур алифбоси ҳақида маълумот келтирилган. Унинг ўқилиши: *Fasl: fi xatṭu-l-uyyuri alana yuqalu moʻyuliyyun va ḥurufuhā 16 ḥarfan mubniya 'ala-l-fath.*

Таржимаси: «Фасл: Ҳозирда мўғулча деб аталаётган уйғур хатида ҳарфлар (сони) 16 та ва фатҳа асосига қурилган».

Шундан сўнг уйғур алифбоси берилиб, ҳар бир ҳарфнинг тагида араб ҳарфларида уларнинг ўқилиши келтирилган. Уйғур ҳарфларининг оти ўзи ифодалаган товушга «фатҳа» қўшиш билан ҳосил қилинади (буни Маҳмуд Кошғарий ҳам ўз алифбосида келтириб ўтган эди).

Ушбу алифбодаги ҳарфларнинг кетма-кетлиги ва номлари шундай: *a, wa, qa, va, sa, qa, ya, kā, ta, ma, na, za, pa, ča, ra, ša, ta, la.*

Сўнг *ša, ma, qa* ҳарфлари ҳамда *tügādi* сўзи уйғур ва араб ҳарфлари билан ёзиб чиқилган.

Шундан кейин туркий сонлар келтирилади. Улар даражаларига кўра кетма-кетликда: аввал бирликлар, сўнг ўнликлар, юзлик, минглик ва бошқа йирик сонлар. Уларнинг ҳар бири уйғур хатида ёзилиб, тагида ўқилиши араб ҳарфлари билан берилган. Берилган сонлар қуйидагилар:

Bir, iki, üç, törd, beş, altı, yedi, sekiz, doquz, on, yigirmi, otuz, qırq, elig, altmış, yetmiş, sekiz on, doquz on, yüz, miñ, tümän, san saqış.

Охирига яна уйғур ва араб ёзувларида *tügādi* деб ёзиб қўйилибди.

Матндаги узинди шеърлар шундай ўқилади (Arat 1992,CLXX-CLXXI):

Илк шеърий узинди «Ҳибату-л-ҳақойиқ»дан олинган бўлиб, бошқа нусхалардан бироз фарқли. Тўртлик уйғур хатида, тагида араб ёзувида қаторма-қатор унинг ўқилиши берилган. Ўқилиши шундай:

*Bilig bildi, boldi erān belgūlūg,
Biligsiz tiriglā ōlūg kōrgūlūg.*

*Biliglig er ōlsā, adī ōlmās-ol,
Biligsiz tirig erkān, adī ōlūg.*

Кейинги тўртлик эса «Қутадғу билиг»дан олинган. Матн асарнинг бошқа нусхаларидан бироз фарқлидир; бу ҳам уйғур ва араб ёзувларида. Ўқилиши шундай:

*Negū bar ačunda ōlūmdin qatīq,
Ōlūmni sayīnsa, ketār miñ dadīq.*

*Kezikčā kelūr bu ōlūmniñ qurī,
Ōzūñni ōlūmkā anuqlap yorī.*

Шундан сўнг ёлғиз араб хатида ёзилган номаълум бир тўртлик келади. Матн ораларида жой ташлаб ёзилганига қараганда, бу ерга ҳам уйғур хатида ёзиб чиқиш мўлжалланган бўлса керак. Р.Р.Аратнинг фикрича, ушбу тўртликни «Ҳибату-л-ҳақойиқ»даги байтларга муқояса қилса бўлади, лекин орадаги фарқ жуда каттадир. Шеърнинг ўқилиши шундай:

*Ayā bilgā, hikmat izin izlāgil,
Ōzūñni kōzād, sōz bilip sōzlāgil.*

*Qilīnčīñ ariq tut, ōzūñni kōzād,
Kerāksiz qīlīynī qoyup kezlāgil.*

Сўнгги уч байтнинг ҳам қандай асардан олингани номаълум. Араб ёзувидаги байтларнинг ўқилиши шундай:

*Atasî atî Maḥmûdi Yügnākî,
Adîb Maḥmûd oyli, yoq-ol heç şaki.*

*Kitābîniñ atî erür «ḡaybatu-l-
Ḥaqāyiq» 'ibārat 'arabdîn oşul.*

*Tamāmi erür kâşyarî til bilä,
Ayitti Adîb riqqati dil bilä.*

Асарнинг Е қўлёзма нусхаси. Р.Р.Аратнинг ёзишича, Анқарадаги Маориф кутубхонасида сақланаётган бир мажмуада туркий байт ва тўртликлар берилган бўлиб, уларнинг бири «Ҳибату-л-ҳақойиқ»дан олинган (қаранг: Arat 1992,34–36,CLXVIII–CLXXII). Мухими мажмуадаги туркий шеърларнинг уйғур ва араб ёзувларида берилганлигидир.

Мажмуада дастлаб уйғур алифбоси ҳақида маълумот келтирилган. Унинг ўқилиши: *Fasl: fi xatṭu-l-uyyuri alana yuqalu moyuliyyun va ḥurufuhā 16 ḥarfan mubniya 'ala-l-fath.*

Таржимаси: «Фасл: Ҳозирда мўғулча деб аталаётган уйғур хатида ҳарфлар (сони) 16 та ва фатҳа асосига қурилган».

Шундан сўнг уйғур алифбоси берилиб, ҳар бир ҳарфнинг тагида араб ҳарфларида уларнинг ўқилиши келтирилган. Уйғур ҳарфларининг оти ўзи ифодалаган товушга «фатҳа» қўшиш билан ҳосил қилинади (буни Маҳмуд Кошғарий ҳам ўз алифбосида келтириб ўтган эди).

Ушбу алифбодаги ҳарфларнинг кетма-кетлиги ва номлари шундай: *a, wa, qa, va, sa, qa, ya, kā, ta, ma, na, za, pa, ča, ra, ša, ta, la.*

Сўнг *ša, ma, qa* ҳарфлари ҳамда *tügādi* сўзи уйғур ва араб ҳарфлари билан ёзиб чиқилган.

Шундан кейин туркий сонлар келтирилади. Улар даражаларига кўра кетма-кетликда: аввал бирликлар, сўнг ўнликлар, юзлик, минглик ва бошқа йирик сонлар. Уларнинг ҳар бири уйғур хатида ёзилиб, тагида ўқилиши араб ҳарфлари билан берилган. Берилган сонлар қуйидагилар:

Bir, iki, üç, törd, beş, altı, yedi, sekiz, doquz, on, yigirmi, otuz, qırq, elig, altmış, yetmiş, sekiz on, doquz on, yüz, min, tümān, san saqış.

Охирига яна уйғур ва араб ёзувларида *tügādi* деб ёзиб қўйилибди.

*Tiliṇni tiya tut, tiṣiṇ sinmasun,
Bu turṇan xalayiṇ seṇā külmäsün.*

Bu ham aninḡdur-kim:

*Söṇäkkä iligdür, erängä bilig,
Biligsiz erän-ol iligsiz söṇäk.*

Учинчи байтнинг иккинчи мисраси қўлэзмада *Biligsiz erän-ol söṇäksiz ilig* шаклида берилган ва *söṇäksiz ilig* бирикмасининг тагига *iligsiz söṇäk* деб ёзиб қўйилган. Байтнинг маъносидан келиб чиқиб илмий-танқидий матнда ушбу мисрани *Biligsiz erän-ol iligsiz söṇäk* шаклида тиклаш мумкин (жумладан, Ҳамидхон Исломиy «Насойиму-л-муҳаббат»нинг илмий-танқидий матнини тузганда ана шундай йўл тутган – НМ,333).

Шу ўринда мазкур байтнинг тўртлик таркибидаги ҳолатини текшириб кўрайлик. Бу байт кирган тўртлик «Ҳибату-л-ҳақойиқ»-нинг А нусхасида шундай шаклдадир:

*Söṇäkkä yilig-teḡ erängä bilig,
Erän körki 'aql-ol, söṇäkniṇ yilig.*

*Biligsiz yiligsiz söṇäk-teḡ xali,
Yiligsiz söṇäkkä sunulmas eliḡ (YugA.18–19).*

Юқоридаги тўртликнинг 1-, 2-, 4- қаторлари ўзаро қофиядош (*a-a-b-a*). Муҳими шундаки, Навоий келтирган мисолда иккинчи байт «Ҳибату-л-ҳақойиқ»даги шаклидан ўзгарган: *Erän körki 'aql-ol, söṇäkniṇ yilig* «Насойиму-л-муҳаббат»да *Biligsiz erän-ol iligsiz söṇäk* деб берилган. Асарнинг мавжуд қўлэзмаларида сўнгги бирикманинг мазмунга тўғрилаб *iligsiz söṇäk* ёки қофияни назарда тутиб *söṇäksiz ilig* деб берилганлигининг боиси ҳам шунда.

«Насойиму-л-муҳаббат»да Адиб Аҳмаддан мисол келтирилган уч байтнинг биринчиси «Ҳибату-л-ҳақойиқ»да учрамайди. Демак, ушбу байт шоирнинг бизга маълум бўлмаган панду насиҳат мазмунидаги бошқа бир асаридан олинган дейиш мумкин.

Навоий келтирган иккинчи мисолни «Ҳибату-л-ҳақойиқ»даги байтларнинг бирига муқояса қилса бўлади, лекин унинг иккинчи мисраси тамоман ўзгача. Қиёс учун «Ҳибату-л-ҳақойиқ»даги шунга яқин бўлган мисрани ўз ичига олган тўртликни келтирамиз (С нусха бўйича):

*Ešitkil biliglig nekü dep ayur:
Adablar başi til, ködäzmäk turur.*

*Tiliñ bektä tutyil tişiñ sinmasun,
Xalı çiqsa bektin, tişiñni siyur (YugC.13).*

Ушбу тўртликнинг учинчи мисраси Навоий келтирган иккинчи мисолга қисман тўғри келади, холос. Лекин у айнан «Ҳибату-л-ҳақойиқ»дан олинганми-йўқми, аниқ айтиш қийин.

Учинчи байт адибнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асаридандир.

«Насойиму-л-муҳаббат»нинг М.Мирзааҳмедова тайёрлаган Тошкент нашрида ва Кемал Эраслан тайёрлаган Истанбул нашрида юқоридаги уч байтнинг биринчи ва учинчиси келтирилган, холос. Ҳар икки нашрда иккинчи байт учрамайди (афтидан, нашрларга асос бўлган қўлёзмада шундай бўлган кўринади). Лекин ушбу байт, кўриб ўтилганидек, асарнинг Санкт-Петербург қўлёзмасида бор.

Алишер Навоий Ҳусайн Бойқаронинг ўғли Бадиуззамонга битган мактубида Адиб Аҳмаддан мисол қилиб келтирган тўртлик ҳам «Ҳибату-л-ҳақойиқ»дан олинган эмас. У Адиб Аҳмаднинг буткул бошқа бир асаридан.

Мана ўша шеър:

*Atadın xatā kelsā, körmā xatā,
Şavāb bil xatā qilsa taqī ata.
Atanīñ xatāsini bilgil şavāb,
Seni yüz balādīn qutqaray Xudā.*

Навоийнинг «Насойиму-л-муҳаббат» асарида Адиб Аҳмад ижодидан мисол қилиб келтирилган байтлар ҳамда «Муншаот»да ибрат қилиб келтирилган тўртликдан англашиладики, Адиб Аҳмаднинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асаридан ташқари панд-насиҳат руҳида-

ги бошқа асарлари ҳам бўлган, лекин ўша асарлари кунимизгача тўлиқ ҳолда сақланган эмас.

Англашиладики, Адиб Аҳмад асарлари ўрта асрлар туркий адабиётида ғоят шуҳрат қозонган. Унинг байтлари эл орасида мақолу ҳикматлар сифатида кенг ёйилган эди. Навоий ана шуларга ишора қилади.

Асарнинг *H* нусхаси. «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг яна бир қўлёзма нусхаси Голландиянинг Гронинген университети кутубхонасида сақланмоқда. Бу нусха кутубхонадаги HS 474 рақамли мажмуа таркибидан жой олган бўлиб, унинг 9а–32b саҳифаларига битилган. У мажмуанинг иккинчи асаридир. Матн фақат араб ёзувида (*қаранг*: Yüknēkī 2019,37–40).

Мажмуа 57 варақдан иборат, боши ва охирида икки варағи бўш. Қўлёзма ҳижрий 799 да / мелодий 1396–1397 йилларда кўчирилган ва у шу чоққача маълум бўлган асар нусхаларининг энг эскисидир. Мавжуд қўлёзмаларнинг қолганлари кейинги даврларга тегишли.

Ушбу нусхада асар матни бошқа нусхаларга қараганда озроқ. Матн қизил қўш чизиқли жадвалга олинган бўлиб, ҳар саҳифада 9 қатордан қилиб ёзилган. Матн қорада, сарлавҳалар, оят ва ҳадислар қирмизи рангда.

Асарнинг ушбу нусхасига *کتاب غيبة الحقایق* деб сарлавҳа қўйилган. Буни олимлар *Kitābu 'Aybatu-l-ḥaqāyiq* деб йўрмоқдалар (*қаранг*: Yüknēkī 2019,37–40). Уларнинг фикрича, бу ердаги *'aybat* сўзи *'atabat* нинг талаффузга мослашган шаклидир. Бизнингча, бундай эмас, чунки туркий имлода арабча сўзларга нисбатан қатъий ёзув принципи белгиланган, араб тилида қандай бўлса, туркий матнда ҳам ўшандай ёзилган. Асар номидаги *'aun* ҳарфи аслида *yaun* бўлуви керак; унинг нуқтаси қўйилмаган, холос. Матнчилик анъанасида сарлавҳаларда кўпинча ҳарфларнинг нуқталари қўйилмай кетади (масалан, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Қоҳира нусхасидаги сарлавҳаларга қаранг). Қўлёзма китобни ўқиётган ўқувчи уни ўз ўрнида қўйиб ўқимоғи лозимдир. Бу ерда ҳам шундай: нуқтасини қўйиб ўқисак, *Kitābu ya'batu-l-ḥaqāyiq* бўлади. Маъноси эса «Яширин ҳақиқатлар китоби», поэтик маънода «Сирли ҳақиқатлар китоби» ёки «Ғойибий ҳақиқатлар китоби»дир. Асарнинг *D* нусхаси ҳам ана шундай аталган.

Асар мажмуанинг 32b бетида тугайди, 33a бетида эса бошқа бир матн. Унга «ўзгага; бошқасига тегишли» англамидаги لغير • *liḡayrihi* деган сарлавҳа қўйилган.

Унда жами 72 та тўртлик бор.

Қўлёзма нусхада ўғуз лаҳжасининг хусусиятлари сезилиб туради.

Хати нисбатан оддий бўлса-да, ёзув ва фонетик хусусиятларига қўра араб ёзувли бошқа қўлёзмаларга қараганда анча эски. Жумладан, ёзувда тишора [δ] товуши учун د ҳарфи ишлатилган: قوذي *quḏī*, اذاركان *eḏārgān*, ادين *adīn* сингари. Ваҳоланки, араб ёзувли бошқа қўлёзмаларда унинг ўрнида <д> ёки <у> ишлатилган.

Ёки лаб-тиш [w] ундоши учун ف ҳарфидан фойдаланилган: تثار *tawar*, سغار *sewār* сингари.

Қўлёзма бир замонлар фонд бўйича тузилган асарлар каталогига ҳам киритилган экан (қаранг: Yūknekī 2019,38,40–41). Негадир кейинчалик унга эътибор берилмай қолган.

Асарнинг тузилиши

«Ҳибату-л-ҳақойиқ» – жанрига қўра панду насихатлардан иборат асар. Адиб Аҳмад ўз асарини *mavā'iz maṣāl* деган эди. Мана унинг айтган сўзи:

Bitidim kitābi mavā'iz maṣāl,
Oq'isa, tatir til, yemiš-teg 'asal (YugA.112,3–4).

Ушбу байтдаги *maṣāl* сўзи «мақол» маъносида бўлиб, *mavā'iz maṣāl* – «мақоллар; панду насихатлар» дегани.

Байтнинг маъноси шундай:

«Панду насихатлар китобини ёздим,
(Кишилар) ўқиса, тили асал егандек тотли бўлади».

Асарнинг *H* нусхасида бу атама *pur mavā'iz maṣāl* деб берилган. Бу «кўп, серҳикмат насихатлар» деган маънони беради. Мана ўша байт:

*Bitidim kitāb pur mavā'iz maşal,
Oqisaŋ tatir til yemiş-teg 'asal. –*

«Серхикмат насиҳатлар китобини ёздим,
Ўқисанг, тилинг асал егандек тотли бўлади» (YugH.32a,6–7).

Бошқа бир ўринда эса: «Отим Адиб Аҳмад, айтган сўзларим панду насиҳатдан иборат» (*Adib Aḥmad atim, adab-pand sōzūm*), – дея таъкидлайди муаллиф (YugA.113,4).

Китоб эгасининг айтганларига қараб асар жанрини ҳам белгиласа бўлади. Демак, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» панду насиҳатлар, ўғитлар китобидир.

Асар ўн тўрт бобдан иборат бўлиб, ҳар қайси боби бирор ахлоқий-таълимий масалага бағишланади. Бобларнинг мундарижаси шундай:

- (I) Тангрига ҳамд;
- (II) Пайғамбар алайҳиссалом мадҳи.
- (III) Саҳобаларнинг мадҳи;
- (IV) Турк ва Ажам мулкининг ҳукмдори, улуғ амир Муҳаммад Дод испоҳсолор бекнинг мадҳи;
- (V) Китобнинг ёзилиш сабаблари ва зарурати тўғрисида;
- (VI) Билимнинг фойдаси ва билимсизликнинг зиёни тўғрисида;
- (VII) Тилни тийиш ва унинг бошқа одоблари тўғрисида;
- (VIII) Дунё ва унинг ҳолатларининг ўзгариши ва вафосизлиги тўғрисида;
- (IX) Сахийликнинг мадҳи ва хасисликнинг ёмонлиги тўғрисида;
- (X) Камтарликка буюриш, кибр ва ҳирсдан қайтариш тўғрисида;
- (XI) Ҳарислик тўғрисида;
- (XII) Гузал ахлоқлар ва улар билан одобланишга ундаш тўғрисида;
- (XIII) Замонанинг бузуқлиғи тўғрисида;
- (XIV) Сўнг боб. Сўз тугаётганлигининг маъзур тутилиши баёнида.

Анъанага кўра бобларга сарлавҳалар ҳам қўйилган. «Қутадғу билиг»дан фарқли ўлароқ, боб сарлавҳаларининг бари арабча аталган.

Яна бир жиҳати, асар «Қутадғу билиг» сингари маснавийда эмас, тўртликлар шаклидадир. Асар 40 байт ва 101 тўртликдан

тузилган. Мисралар 11 бўғинли, арузнинг *faūlun faūlun faūlun faūl* вазнига тушади.

Асарнинг кириш қисми байтлар ҳолида. Дастлабки уч боб – Тангрига ҳамда Пайғамбар алайҳиссаломга наът, тўрт эш (саҳобалар)нинг мадҳи, Амир Муҳаммад Дод испоҳсолор мадҳи қасидалар бўлиб, қофияси *a-a, b-a, c-a* шаклидадир. Китобнинг ёзилиши ҳақидаги боб ҳам айна шаклда; қофияланиши ҳам ўшандай.

Асарнинг қолган боблари тўртликлардан тузилган, қофияланиши *a-a-b-a* шаклида. Тўртликлар кўринишидаги ўғитлар мазмунан бирлашиб, ўзаро уйғунлашиб асар бобларини шакллантиради.

Асарнинг *A* нусхасида ушбу тўртликлар араб ёзувида битилган *بيت، اخري*, уйғур ёзувида битилган *uxrā, özgä, taqī* сарлавҳачалари билан ажратиб кетилган. Улар «ўзга бир шеър» деган ишорани англатади.

Қизиғи, асарнинг *B, C* ва *H* қўлёзмаларида бундай оралиқ сарлавҳачалар йўқ, тўртликлар бир-бирига уланиб кетаверади. Орадаги сарлавҳалар, оят ва ҳадислар бобларни ажратишга хизмат қилади.

Шу белгиларига кўра ҳам асарнинг *A* қўлёзмасини бошқаларига қараганда анчайин тўлиқ нусха деса бўлади.

Илк ва ўрта асрларда «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг қўлёзмалари шу қадар кенг тарқалган эдики, ҳатто асарнинг адиб вариантдан фарқли вариантлари ҳам юзага кела бошлаган кўринади. Бу ҳақда Амир Арслон Хожа тархон шундай ёзади:

*Köp elni körärbiz, Adīb sözini
Bilä bilmägädin ular özini.*

*‘Ayibqa qoyuptur xalāyiq ara,
yalaṭ ma’nilarni ayitmiş yana* (YugA.120,6–121,3).

Шунинг учун ҳам XV асрдаёқ асарнинг таянч матнини тузишга эҳтиёж туғилган кўринади. «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг таянч матнини Амир Арслон Хожа тархон 1444 йили самарқандлик Зайну-л-Обидин бахшига буюртма бериб, кўчиртирган эди. Ушбу қўлёзма уйғур ёзувида битилган бўлиб, кейинги қўлёзмалар учун таянч вазифани бажарди: кейинги нусхалар ана шу қўлёзмадан кўчирилди.

Яқин пайтларга қадар фанда асарнинг учта йирик қўлёзмаси тўғрисида сўз юритилар эди (*A*, *B*, *C* нусхалар). Авваллари бошлаб таянч *A* нусха тузиб чиқилган, ундан *B* нусха, *B* нусхадан эса *C* нусха кўчирилган (*A*→*B*→*C* кетма-кетлигида) деган фикрда эдим. Чунки қўлёзма нусхалар, баъзи матний фарқларни айтмаганда, бир-бирига жуда яқин туради. Устига-устак асар тугаганидин кейин кўшимча қилиб киритилган бошқа муаллифларнинг шеърлари ҳам учала қўлёзмада бор. Лекин мавжуд нусхаларни ўзаро чоғиштириб, илмий матн тузиш жараёнида фикрим ўзгариб қолди. Афтидан, бошлаб асарнинг таянч *A* нусхаси тузилган, кейинчалик у Истанбулга Абдулраззоқ бахши учун жўнатилган. *A* ва *B* нусхалар орасида яна бир номаълум нусха бўлган. *B* ва *C* нусхалар эса *A* нусхадан эмас, ораликдаги ўша номаълум нусхадан кўчирилган бўлса керак.

Муҳими шундаки, ўтган йили асарнинг XIV асрдан қолган *H* қўлёзма нусхаси топилди. Энди асар қўлёзмаларини қиёсий ўрганиш имконияти ҳам ортди.

Янги аниқланган қўлёзма чоп этилгунга қадар мен китобимни нашриётга топшириб қўйган эдим. Шунинг учун аввалги уч нусхани топилган нусхага қиёслаб чиқишнинг имкони бўлмади. Соғлиқ бўлса, кейинги ишларимда бунга, албатта, эътибор қаратаман.

Асарнинг тили қандай аталган?

Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари қорахонийлар даврида амал қилган эски туркий ёзма адабий тилида ёзилди. Бу даврнинг ёзма адабий тили ўша давр манбаларида турлича аталган.

Маҳмуд Кошғарий ўзининг «Девону луғати-т-турк» асарида қорахонийлар даври ёзма адабий тилини «хоқония туркчаси» (*at-turkiyyatu-l-xāqāniyya*) деб атаган эди. У ўз даври етакчи диалектларини (шарқий диалектларни) умумлаштириб «турк тили», қолганларини эса ўз номлари (*ўғузча*, *қипчоқча* ва б.) билан атайди. Ана шу «турк тили» ўрнида «хоқония тили», «хоқония туркчаси» номини ҳам қўллаган. Бу билан у қорахонийлар давлатининг марказий ўлкаларида яшовчилар лаҳжаси (адабий тилга асос бўлувчи етакчи лаҳжалар)ни назарда тутди.

У ёзади: «Тилларнинг енгили ўғузча (الغزىة), энг тўғриси, яхши-си – *yaḡma, tuxsī* кабиларнинг тили ва, шунингдек, *İla* (Или), *Ertiś* (Иртиш), *Yamar, Etil* водийларидан *ıuḡur* шаҳарларигача бўлган жойларда яшовчилар тилидир. Буларнинг ичида энг очиқ ва равон тил – хоқония ўлкасида (الملوك الخاقانية) яшовчиларнинг тилидир. *Balasayun* ликлар суғдча (سغديّة) ва туркча (تركيّة) сўзлайдилар. *Tirāz* (Талас) ва *Madīnatu-l-bayḍa* шаҳарларининг халқлари суғдча (سغديّة) ҳам туркча (تركيّة) сўзлайдилар. *İspijār* [Испижоб – ҳозирги Чимкент]дан то *Balasayun* гача бўлган *arḡu* шаҳарларининг ҳаммасида яшовчиларнинг тилида ҳам камчилик бор. *Kāṣṣar* да канжакча (بالكنجاكية) сўзлашадиган қишлоқлар бор. Шаҳар ўртасида турувчилар хоқоний туркчасида (بالتركية الخاقانية) сўзлайдилар» (ДЛТ,25).

Маҳмуд Кошғарий ушбу «турк тили», «хоқония тили», «хоқония туркчаси» атамалари билан ўз даври туркий адабий тилини кўзда тутган эди.

Қорахонийлар даври ёзма адабий тилига нисбатан ***buyraхан tili*** атамаси ҳам ишлатилган. Жумладан, «Қутадғу билиг»нинг насрий муқаддимасида асар «буғраҳон тили»да ёзилганлиги қайд этилади:

Mašriq vilāyatında, Türkistān ellärindä buyraхан tilinčä bu kitāpdin yaxšıraқ hargiz kim ersä taşnıf qılmadı. – «Машриқ вилоятларида, Туркистон элларида буғраҳон тилида ҳеч кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас» (QBN.1b,14–2a,1).

Ушбу жумладаги *buyraхан tilinčä* бирикмаси асарнинг уйғур ёзувли Ҳирот нусхасида *türk luyatiča* ибораси билан таъкидланган. Унда ёзилишича:

Mašriq vilāyatida, qamuḡ Türkistān elindä buyraхан tilinčä, türk luyatiča bu kitāptin yaxšıraқ hargiz kim ersä taşnıf qılmay turur. – «Машриқ вилоятида, бутун Туркистон элида буғраҳон тилинча, турк лугатича ҳеч кимса ҳаргиз бу китобдан яхшироқ (китоб) ёзган эмас» (QBN.1b,13–2a,2).

Уйғур ёзувли нусхада *buyraхан tilinčä* бирикмасининг *türk luyatiča* дея таъкидланувининг сабаби қўлёзма темурийлар даврида Ҳирот маданий марказида кўчирилганлигида бўлса керак. Афтидан, котиб асарнинг «буғраҳон тили»дагина эмас, бутун туркий тилда тенги йўқ эканлигини таъкидлаш учун ҳам шу жумлани ишлатган кўринади.

«Қутдағу билиг»нинг Ҳирот ва Қоҳира нусхаларида келган шеърӣй муқаддимасида асар Буғраҳон замонида «хон тили»да ёзилганлиги таъкидланади. Мана ўша байт:

*Bu Buyraxan vaqtī iḥrā anī,
Yemā xan tilinčā bu aytmiš munī. –*

(Бу Буғраҳон вақтида уни (ёзиб),
Яна буни хон тилида айтибди) (QBQ.2b,14).

«Ҳибату-л-ҳақойиқ» қўлёзмаларининг охирида Амир Арслон Хожа тархоннинг Адиб Аҳмадга аталган шеърӣда таъкидланувича, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари *kāšyarī til~kāšyar tili* да ёзилган. Мана Арслон Хожа тархоннинг ёзганлари:

*Tamāmi erūr kāšyarī til bilā,
Ayitmiš Adīb riqqati til bilā.*

*Agar bilsā kāšyar tilin har kiši
Bilūr ol Adībniḡ nekim aymiši.*

((Асар) бутунича «кошғарӣй тил»дадир,
Адиб уни нозик тил [яъни, шеър] билан айтган.

«Кошғар тили»ни билган ҳар киши,
Адибнинг айтганларини англайди) (YugA.119,6–120,3).

Адиб Аҳмад «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг сўнгги бобида ўз асарини *türkčā kitāb* деб атаган. Мана унинг айтганлари:

*Anin uš čiqardim bu türkčā kitāb,
Kerāk qil dep, ey dost, kerāk qil 'itāb.*

*Bitidim bu taḡsuq tūrfa sözlārin,
Xalī barsa özüm, atim qalsu dep.*

(Шунинг учун бу туркча китобни чиқардим,
(Уни) ўзингга керак қил, деб эй дўст, истамасанг, йўқ.

Бу тансиқ, турфа сўзларни битидим,
Ўзим (дунёдан) ўтадиган бўлсам, отим қолсин деб) (YugC.45,7–8).

Хулоса қилиб айтганда, Маҳмуд Кошғарий сўз юритган «хоқония тили», «Қутадғу билиг»нинг насрий муқаддимасида тилга олинган *buyraxan tili*, шеърый муқаддимада кечган *xan tili*, «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарига нисбатан ишлатилган *kāšyarī til ~ kāšyar tili* атамаларининг бари қорахонийлар даврида ишлатилган ёзма адабий тилни англатади.

Адиб Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асари қорахонийлар даврида ишлатилган ана шу ёзма адабий тилда битилган.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»қа нисбатан қўлланган *türkçä* атамаси эса ўша давр туркий тилининг умумий номидир.

Туркий тилшунослик тарихида «нутқ» ва «тил», «ёзма адабий тил» тушунчаларининг ифодаланиши

Шарқ тилшунослиги, хусусан, туркология «тил» ва «нутқ»нинг ўзаро фарқини, «ёзма адабий тил»ни ғарб илмига қараганда анча бурун англаб етди.

Ўтмишда **til** атамаси кенг маънода ишлатилган. Бу атама «жамиятнинг мулоқот воситаси» маъноси билан бирга «нутқ»ни ҳам англатган. «Кишининг нутқи» тўғрисида сўз борганда у *til* дейилади.

Шунингдек, «кишининг нутқи» маъносида ўрни билан **söz** атамаси ҳам ишлатилган. Бунга «Қутадғу билиг»дан бир мисол:

*Bilip sözläsä söz, biligkâ sanur,
Biligsiz sözi öz başını yeyür. –*

«Сўзни билиб сўзласа, донолик саналади,
Билимсизнинг сўзи ўз бошини ейди» (QBN.13a,3).

Улуғ ижодкор, олим ва мутафаккирлар «тил» ва «нутқ»ни, «оғзаки нутқ» ва «ёзма адабий тил»ни бир-биридан фарқлаб, бу тушунчалар учун махсус истилоҳлар ҳам ишлатганлар.

Жумладан, буюк шоир ва файласуф, эски туркий тилнинг билимдони Юсуф Хос Ҳожиб «ёзма адабий тил»ни **bitig söz** деб атаган эди. Мана унинг ёзгани:

*Balāyat bilā xaṭ tenāšsā qalī,
Eđi eđgü til bu bitig söz tili. –*

«Агар фасоҳат билан (хуш) хат тенглашса,
Бу ёзма нутқ тили жуда эзгу тил бўлади» (QBN.101a,8).

У ёзма нутқни жуда яхши усул дейди: *Eđi eđgü yaṇ bu bitig söz yaṇī* дея таъкидлайди у (QBN.101a,9). Асар қўлёзмасида *eđi* сўзининг остига *uluṇ* деб изоҳлаб қўйилибди. Шунга қўра, ушбу жумлани «Ёзма нутқ усули жуда яхши усулдир» дея англамоқ керак.

Юсуф Хос Ҳожиб «оғзаки сўз», яъни «нутқ»ни **tilin söz** деган. Мана матндан олинган мисоли:

*Yoq ersā bitig bu kišilār ara,
Tilin sözkā kim бүtkāy erdi, kör-ā. –*

«Кишилар ўртасида ёзув бўлмаганида,
Оғзаки сўзга ким ҳам ишонар эди, қўргин» (QBN.101a,13).

Бу борада Адиб Аҳмаднинг фикрлари ҳам аҳамиятлидир. *У til* сўзини бир қанча маънода ишлатган:

Бири «нутқ аъзоси, тил»ни англатади:

*Ešit, бүt bu sözkā: Qamuṇ taṇda tan
Turup, tilgā yūknüp, tazarru' qīlur. –*

«Эшит, бу сўзга инон: (Кишининг) тана(си) ҳар тонгда
уйғониб, тилга юкуниб, тазарру қилади» (YugA.31,5–6).

Асарда *til* атамаси «жамоа тили» (*luṇa*)ни (масалан, *kāšyar tili*), кишига нисбатан ишлатилганда эса «нутқ» (*kalām*)ни англатади:

*Ešitkil, biliglig negü dep ayur:
Adablar bašī til, ködāzmāk turur.*

(Эшитгин, билимли нима деб айтган:
Одобнинг боши тил [яъни нутқ], (уни) сақламоқ керак)
(YugC.13,7–8).

Ёки:

Tili yalyān erdin yīraq tur, toz-a («Сўзи ёлғон [яъни ёлғон сўзловчи] кишидан узоқ тур, тўзгин [яъни нари бўл]») дея ўғит беради Аҳмад Югнакий (YugA.34,2). Бунда *tili yalyān er* деганда «ёлғон сўзловчи киши» англашилади.

Адиб Аҳмад, бундан ташқари, «нутқ»қа нисбатан *ayiz til, til söz* атамаларини ҳам қўллаган. Мана унинг айтганлари:

Асарда *ayiz til* атамасини «оғзаки тил», яъни «нутқ» англамида ишлатади:

*Ayiz til bezāgi kōni söz turur,
Kōni sözlā sözni, tiliṇni bezā. –*

«Нутқнинг беаги тўғри сўз туруп,
Сўзни тўғри сўзла, тилингни [яъни нутқингни] беа»
(YugA.34,4–5).

Келтирилган мисолда *ayiz til* «нутқ» дегани, иккинчи сатрдаги *til* ҳам айна англамда. Бир сўзни қайтармаслик учун кейингисида бошқа истилоҳ ишлатилмоқда.

Адиб Аҳмад «киши нутқи»ни *til söz* ҳам атаган. Мана унинг айтгани:

*Xiradliq-mu bolur tili boš kiši,
Telim başnī yedi bu til söz boši.*

(Тили бўш киши (ҳеч замонда) ақлли бўлармиди?!)

Тил сўз [яъни нутқнинг] бўшлиги қўп (киши)нинг бошига етди)
(YugC.14,4–5).

Англашиладики, Адиб Аҳмад шоир ва файласуфгина эмас, туркий тилнинг етук билимдонларидан эди. У тил устаси сифатида

тилшунослик илмига янги тушунча ва атамаларни ҳам олиб кирган ижодкордир.

Ёзув ва фонетик хусусиятлари

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг кунимизга қадар сақланган қўлёзмалари уйғур ва араб ёзувларидадир. Афтидан, асарнинг Адиб Аҳмаднинг оғзидан ёзиб олинган ва юрт эгасига тортиқ қилинган нусхалари, қўйингки, эски вариантлари уйғур хатида бўлган. Кейинчалик, XIV асрнинг ўрталаридан унинг уйғур ёзувли нусхалари билан бир қаторда араб ёзувига ўгирилган қўлёзмалари ҳам тарқала бошлади.

Қизиги шундаки, кунимизгача сақланган уйғур ёзувли қўлёзмаларнинг хат услуби ҳам ҳар хил: *A* ва *B* қўлёзмалари ёзув услубига кўра бир-биридан фарқ қилади.

Жумладан, Зайну-л-Обидан бахши Самарқандда кўчирган *A* қўлёзмаси уйғур ёзувининг ўтмишда кенг ёйилган югурик хат (яъни, курсивли) услубида. Кўринишдан майда, лекин текис ва ўта чиройли. В.Радлов ёзувнинг бундай услубини *Der mohammedanisch-uirgische Schrift charakter* деб атаган эди (Radloff 1891, XCIII).

Абдулраззоқ бахши Истанбулда кўчирган *B* қўлёзмасининг хати эса ундан фарқли. Бу хат услубини В.Радлов «хужжатлар ёзуви» (*Documenten-schrift*) деб номлаган (Radloff 1891, XCIII). Олим Олтин Ўрда хони Темур Қутлуғ ёрлиғининг хат услубини кўзда тутган ҳолда ана шундай атамани қўллаган кўринади.

Бизнингча, матнларнинг хат услубига нисбатан бу атамаларни тўлиқ татбиқ қилиш унчалик тўғри бўлмас. Масалан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг *A* нусхасида ишлатилган хат тури фақат исломий матнлар билан чекланмайди. Унинг ишлатилиш доираси анча кенг.

Ўтмишда уйғур хатининг бир қанча услубий тури ишлатилган эди. Шунга қарамай, ёзиш техникасининг ўнғайлиги, қулай ўқилишига қараб кейинчалик югурик хат услуби оммалашиб кетди. Бу хат услубидан Ҳиротда ижод қилган бошқа бахшилар ҳам, Язд, Самарқанд, Андижон бахшилари ҳам кенг фойдаландилар. Чунончи, «Қутадғу билиг»нинг 1439 йили Ҳиротда Ҳасан Қора Сайил Шамс бахши кўчирган нусхаси, 1432 йили Язд шаҳрида Мансур бахши томонидан

кўчирилган мажмуа ҳам, ҳатто теурийлар замонидан қолган расмий ҳужжатлар ҳам уйғур ёзувининг ана шу хат услубидадир.

В.Радлов «ҳужжатлар ёзуви» деб атаган хат услуби ҳам фақат расмий матнлар билан чекланиб қолмайди. Ўтмишда икки хил ёзувли – уйғур хатида ёзилиб, сатрма-сатр араб хатида изоҳлаб чиқилган матнларнинг деярли бари ана шундай хат услубида. «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг В нусхасидан ташқари Темур Қутлуғ ёрлиғи, Мавлоно Лутфий ва Саккокийнинг икки хил ёзувда битилган ғазалларида ишлатилган хат услуби ҳам ана шу гуруҳга киради.

Эски туркий тилнинг товушлар тизимидаги барча унлилар уйғур алифбосидаги учта ҳарф билан ифода этилган: *alif* ҳарфи [a]–[ā]–[e] фонемаларини; *uā* ҳарфи [i]–[ī]–[e] ни, *vāv* ҳарфи [o]–[u]–[ō]–[ū] унлиларини англатади. Асарнинг Самарқандда кўчирилган А қўлёзмасида ҳатто «ингичка» унлилар ҳам ёзувда фарқланган: *vāv* билан *uā* биргаликда ёзилиб, «ингичка» [ō]–[ū] фонемаларини англатади. Лекин Абдулраззоқ бахши кўчирган қўлёзмада бундай эмас, тўртала лаб унлилари учун бир хил белги қўлланган.

Қадимги туркий битиглар тилига хос, сўзбоши ва биринчи бўғинда келувчи олд қатор, «ингичка», кенг, лабланмаган [ā] унлиси «Ҳибату-л-ҳақойиқ»да «ёпиқ» [e] га ўзгаради. Муҳими шундаки, уйғур ёзувида ҳам, араб ёзувида ҳам [e] учун махсус ҳарф йўқ; бу фонема <i> ёки <ā> ҳарфлари билан ифода этилаверади. Лекин мутахассис асарни транскрипцияга ўгирганда бу фонемани фарқлай олиши керак, акс ҳолда, мазмунга ҳам путур етиши мумкин.

Адиб Аҳмад Югнакий «Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарининг араб ёзувли нусхасида шундай сатрлар бор (мисол Yug.C.17 дан олинди):

قَمُوغْ يَاشْ رُو ايشينك بُولوبْ أَشْكَارَا
بُو كُورْكَانْ ايشيتْ كَانْ سَنَكَا كُولْمَاسُونْ

Ушбу шеърнинг биринчи сатридаги *ايش* сўзи матн мазмунидан келиб чиқиб *iš* деб ўқилади: *yašru išin* – «яширин», яъни «беркитиқча ишинг».

Транскрипцияси:

*Qamuγ yašru išin bolup āškārā,
Bu körgän, ešitkän senä külmäsün.*

(Барча яширин ишларинг ошкор бўлиб,
Бу кўрган, эшитган (кишилар) сенга кулмасин).

Ўша саҳифадан олинган бошқа бир мисол:

إِشِيْم دِيْبْ اِيْنَانِيْب سِيْرْ اَيْمَا سَقِيْنْ
نِيْجَهْ مَا اِيْنَانْجْ لِيْقْ اِيْشْ اِيْرْسَا يَقِيْنْ

Мисолда кечган ҳар иккала *ايش* сўзини *iš* эмас, [e] билан *eš* дея ўқилса, тўғри бўлади. Маъноси «дўст, ўртоқ» дегани.

*Ešim dep inānīp sīr ayma, saqīn,
Nečā mā inānčliq eš ersā yaqīn.*

(Сенга қанчалик ишончли, яқин дўст бўлса ҳам,
Дўстим деб ишониб сирларингни айтма, яхшилаб ўйла).

Маълумки, уйғур хатида [k] билан [g] ундошлари, [b] билан [p], [s]–[z], [t]–[d], [q]–[ɣ]–[x], [č]–[ʃ]–[ž] ундошлари бир хил ҳарфлар билан ифодаланган. Ёзувнинг бу хусусияти ёдгорликларни ўқиб, уларни транскрипцияга ўгиришда қийинчилик туғдиради.

Шунга қарамай, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур ёзувли қўлёз-масида матнни ўқишни енгиллаштирувчи имкониятлар ҳам бор. Унда <q>, <ɣ> ҳарфларининг устига изчил равишда икки нуқта, <п> ҳарфининг устига эса бир нуқта; ўрни билан <s> дан <š> ни фарқлаш учун ҳарф остига икки нуқта қўйиб борилган. Шунингдек, матнда уйғур ёзувидаги айрим ҳарфларнинг тўғри ўқилишини таъминлаш учун араб ҳарфларидан ҳам фойдаланилган.

Энг муҳими, кунимизгача сақланган асар нусхалари орасида уйғур хатида битилиб, араб ёзуви билан ўқилиши келтирилган қўлёзма бор. Араб ёзувли изоҳига таянган ҳолда уйғур ёзувли матннинг тўғри ўқилиши, айрим ҳарфларнинг қандай вазифада келаётганини билиб олиш мумкин.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ» асарида қорахонийлар даври ёзма адабий тилининг фонетик хусусиятлари акс этган. Жумладан, асар тилида қадимий *d*-лашишдан [δ] га, ундан эса [y] га ўтиш ҳодисасини (*d>δ>y/g*; ёки: *d//δ//y/g*) кузатишимиз мумкин.

Қизиғи шундаки, эски туркий тил даври ёдгорликларида қўланган тишора [δ] товушини ифодалаш учун араб ёзувли матнларда ʾ ҳарфидан фойдаланилган. Уйғур хатида эса бу товуш учун махсус белги йўқ, ўрнида кўпинча <d>, баъзан эса <t> ва <z> ҳарфлари ҳам ишлатилган. Бунинг «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг қўлёзмаларида кузатишимиз мумкин.

Масалан, асарнинг уйғур ёзувли А нусхасида *kedgölüg* сўзи ёзилиб, <d> нинг остига «ана шундай ўқилсин» деган маънода араб алифбосидаги ʾ ҳарфи қўйиб кетилган (YugA.44,4). Шунга биноан, бу сўзни <δ> билан *kedgölug* деб ўқиш лозим, маъноси «кийгулик» дегани. Ёки *qudī* ёзилиб, <d> нинг остига ʾ ҳарфи қўйилган (YugA.21,2). Ана шу ишоратга таяниб бу сўз *qudī* деб ўқилади, бу «қуйи» дегани.

Уйғур ёзувли матнда *adīn* ёзилиб, <d> нинг тагига «шундай ўқилсин» деган маънода арабча ʾ ҳарфи қўйиб кетилган (YugA.113,1). Ана шу ишорага таяниб бу сўз *adīn* деб ўқилади, бу «ўзга, бошқа» дегани.

Ёки уйғур хатида *bozun* ёзиб, <z> ҳарфининг остига арабча ʾ ҳарфи қўйиб кетилган (YugA.102,2). Бахшининг ана шу ишоратига таяниб бу сўзни *bodun* деб ўқиймиз; бу «халқ, улус» дегани.

Баъзида қўшимча ишорат уйғур ёзувли матннинг устига ҳам қўйилади. Матнда *edgü* сўзидаги <d> нинг устига ʾ ҳарфини қўйиб, унинг *edgü* деб ўқилишига ишора қилинган (YugA.91,2–3).

Муҳими шундаки, асарнинг араб ёзувли С нусхасида бундай сўзлар ʾ билан эмас, ʾ билан келган, YugC: *edgü* – «эзгу» (24,1), *ködäzgil* – «сақлагин» (15,6) сингари. Бундан англашиладики, асар тилида d-лашиш ҳам, δ-лашиш ҳам бор. Қолаверса, [d] ва [δ] товушлари бир асарда аралаш ишлатилгани уларнинг ўзаро вариант сифатида ([d]~[δ]) амал қилганидан далолат беради.

Асарнинг уйғур ёзувли А нусхасида тишора [δ] товуши <z> ҳарфи билан ҳам ифода этилган.

Масалан, уйғур ёзувли матнда *yüzür* ёзилиб, <z> нинг остига ҳам арабча ʾ ҳарфи қўйиб кетилган (YugA.84,1). Бахшининг ишорасига кўра, бу сўз ҳам <δ> билан *yüdüp* деб ўқилади, маъноси «ютиб» дегани.

Ёки *qazü* сўзидаги <z> нинг тагига ҳам ʾ ҳарфи қўйилган (YugA.103,2). Бу ишораси уни *qadü* деб ўқишимизга имкон беради; бу «қайғу» дегани.

Яна бир жиҳати, асарнинг *C* ва *B* нусхаларида <*d*> билан келган сўзлар *A* қўлёзмасида баъзан <*y*> билан ҳам ишлатилади: *eugü* (YugA.89,6), бу «эзгу» дегани. Ҳатто асарнинг *B* нусхасида <*t*> билан келган *ket* сўзи *A* нусхада *key* шаклидадир (YugA.78,6), бу «жуда, ўта» дегани.

Англашиладики, асар тилида [*d*] дан [*y*] га ўтиш ҳодисаси (*d*>*δ*>*y*) акс этган. Шунинг учун ҳам матнларда уларнинг аралаш ишлатилгани (*d*//*δ*//*y*) табиий ҳодиса.

Уйғур ёзувида бўлгани сингари, араб хатида ҳам айрим ҳарфлар полифоник вазифага эга. Масалан, туркий қўлёзма матнларда *kāf* ҳарфи жарангсиз [*k*] ва жарангли [*g*] ундошларини, *bā* ҳарфи [*b*] ва [*p*] ни ёки *jīm* ҳарфи [*č*] ва [*j*] товушларини билдиради. Улар ўрнига қараб у ёки бу товуш сифатида ўқиб кетилаверади.

Араб ёзувли эски туркий матнларда *kāf* ҳарфи жарангсиз [*k*] ва жарангли [*g*] товушларини ифодалаган. Ана шу қийинчиликнинг олдини олиш мақсадида «Девону луғати-т-турк»даги туркий мисолларда, «Қутадғу билиг»нинг араб ёзувли Наманган нусхасида, шунингдек, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг *C* нусхасида айрим ўринларда жарангли [*g*] ундошини фарқлаш учун *kāf* нинг устига уч нуқта қўйиб кетилган. Бундай график хусусият «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг *C* нусхасида бошқа асарларга қараганда анча кенг учрайди: *ياڭ* (C.25,4), *سوزونڭ* (C.15,6), *ادڭو* (C.15,3), *سنگا* (C.1,2), *كورڭولوك* (C.10,3) сингари.

Баъзан, асар кўчирилган жой шевасининг таъсири бўлса керак, айрим сўзлар талаффузини ўғузлаштириш ҳоллари ҳам кузатилади. Масалан, асарнинг *A* ва *B* нусхаларида *közlägil* шаклида келган сўздаги *kāf*га уч нуқта қўйиб *كوزلا گيل* *gözlägil* деб ёзилган (C.22,11). Ёки: *A* ва *B* нусхалардаги *öküngän* сўзи *C* нусхада *اوڭون گان* *ögüngän* деб берилган (C.14,11).

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида жўналиш келишиги қўшимчасининг жарангсиз ундошли *-qa*, *-kā* варианты ишлатилган, унда жарангли ундош билан келувчи *-ya*, *-gā* фонетик варианты учрамайди. Жарангсиз ундош билан тугаган, жарангли ундош, унли ёки сонор билан тугаган сўзларга ҳам *-qa*, *-kā* варианты қўшилаверади.

«Ҳибату-л-ҳақойиқ»да эса бу аффикснинг *-qa*, *-kā* варианты ҳам бор. Бундан ташқари, унинг жарангли ундошли йўғон *-ya* вариан-

ти ҳам, унга мувофиқ ҳолда ингичка *-gä* варианты ҳам ишлатилган. Қўшимчанинг *-kä* билан *-gä* вариантларини *kāf* нинг устига қўйиб кетилган уч нуқтасидан фарқласа бўлади: سوزگا *sözğä* (С.45,3), تىلگا *tilgä* (С.15, 5), ايرگا *ergä* (С.15,11), كيشى گا *kişigä* (С.33,1), بىلىك سىزگا *biligsizgä* (С.11,8) сингари.

Жаранглилик-жарангсизлик уйғунлигига мувофиқ равишда жарангсиз ундош билан тугаган сўзларга *-qa*, *-kä*; жарангли ундош, унли ёки сонорлар билан тугаган сўзларга унинг *-ya*, *-gä* варианты қўшилади: *başqa* (С.14,3), *söñäkkä* (С.10,1); *tawarsizya* (С.13,4).

Араб ёзувли туркий матнларда *jīm* ҳарфи [č] ва [j] товушларини англатади; ўрнига қараб [č] ёки [j] деб ўқиб кетилаверади. Шундай эса-да, асарнинг *С* нусхасида жарангсиз [č] учун баъзан *čīm* ҳарфи ҳам ишлатилган: اوچغان *učyan* (1,7), چىقارور *čiqarur* (2,11), اىچره *ičrā* (12,10) сингари.

Асар тилида сирғалувчи, мураккаб артикуляцияли, Махмуд Кошғарий сўзи билан айтганда, «икки махраж орасидаги» [ž] товуши ҳам бор. Бу товуш араб ёзувли матнларда ڙ ҳарфи билан ифодаланган.

Сирғалувчи [ž] уйғур ёзувли қадимги будда, моний ёдгорликларида <z> ҳарфининг остига икки нуқта қўйиб ифода этилар эди. Лекин у эски туркий матнларда, хусусан, «Ҳибату-л-ҳақойиқ»нинг уйғур ёзувли нусхаларида учрамайди, ўрнида <č> ҳарфи ишлатилади.

